Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 40 (20.008) • 1988 йил 17 февраль, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

ШОНЛИ АНЪАНАЛАРНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

ДОСААФ X Бутуниттифоқ съезди

Армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгилли жамият социалистик Ватаннинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Мудофаа жамиятининг ҳаётида муҳим воқеа рўй берди — 15 февраль куни Катта Кремль саройида СССР ДОСААФ X Бутуниттифоқ съезди очилди.

М. С. Соломенцев, П. Н. Демичев, Д. Т. Язов, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, И. В. Капитонов ўртоқлар, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий бошлиқлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек бир қанча социалистик ва ривожланаётган мамлакатлар мудофаа-спорт жамиятлари делегацияларининг раҳбарлари президиумдан жой оладилар.

КПСС Марказий Комитетининг ДОСААФ X Бутуниттифоқ съездига табрикномасини йиғилганлар қарсаклар билан қутиб олдилар. Табрикномани КПСС Марказий Комитетининг секретари А. И. Лукьянов ўқиб эшиттирди.

СССР ДОСААФ Марказий Комитетининг раиси флот адмирали Г. М. Егоров «СССР ДОСААФ Марказий Комитетининг иши тўғрисидаги ҳисобот ва КПСС XXVII съезди қарорлари асосида мудофаа жамияти ташкилотларининг вазифалари» мавзуида доклад қилди.

СССР ДОСААФ Марказий ревизия комиссиясининг раиси А. В. Ханьков шу комиссиянинг ҳисобот докладини қилди. Сўнгра докладларни муҳокама қилиш бошланди.

* * *

ДОСААФнинг Катта Кремль саройида бўлиб ўтган X Бутуниттифоқ съездида 16 февраль куни ДОСААФ Марказий Комитети ва Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Съездда бир қанча қардош социалистик ва дўст мамлакатлар мудофаа-спорт ташкилотлари делегацияларининг вакиллари ҳам сўзга чиқдилар.

Съезд СССР ДОСААФ Уставига киритилган ўзгартишларни тасдиқлади.

X Бутуниттифоқ съездида сайланган СССР ДОСААФ Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Флот адмирали Г. М. Егоров яна СССР ДОСААФ Марказий Комитетининг Раиси бўлиб қолди.

Уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони авиация маршали И. Н. Кожедуб ДОСААФ X Бутуниттифоқ съездининг КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табрикномасини ўқиб эшиттирди.

Съезд якунловчи кунининг ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри армия генерали Д. Т. Язов, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. И. Лукьянов иштирок этдилар.

ДОСААФ X Бутуниттифоқ съезди ўз ишини тамомлади.

(ТАСС).

• *ГАЗЕТХОН СЎЗ СЎРАЙДИ*

ЕТИЛГАН МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Ҳамма нарсани ўз номи билан аташ вақти келди. Илгари бирор нуқсон ёки муаммо бўлса, уни бетга айтишга чўчирдик. Қайта қуриш ва ошкоралик даври бундай муросасозлик кайфиятига барҳам берди.

Айтиш керакки, кейинги йилларда бирлашмамизда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича бир қатор ишлар қилинди. Ўтган йили буюртмачиларга пландан ташқари 14 минг сўмлик хизмат кўрсатдик. Бу меҳнаткашлар талаби қондириляпти, деган гап эмас. Олдимизда қатор нуқсонлар ва муаммолар бор. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича районимиз жуда орқада.

Хўш, нега шундай? Бу ерда бир қатор ечимини кутаётган масалалар бор. Биринчидан, тикув машиналаримиз жуда эски. Муддатини ўтаб бўлган. Улар тез-тез бузилиб туради. Буни созлаш учун Қаршидан механик келгунча бир неча кун ўтиб кетади. Янгисини магазинларда сотиб олишга рухсат беришмайди. Иккинчидан, иш шароитимиз ҳам яхши эмас. Ишлайдиган жойимиз совқ. Қиш кунлари хоналар иситилмайди. Пальто билан ўтириб ишлаш ниҳоятда ноқулай.

Корхонамиз «Швейтрикотажбыт» бирлашмаси деб номланса-да, бизда тикувчиликдан бошқа иш қилинмайди. Трикотаж буюмларни тайёрлаш билан Бешкент корхонаси шуғулланади. Юқори ташкилотларнинг кўрсатмасига биноан биз уларнинг маҳсулотини олиб келиб сотиб беришимиз керак эмиш. Бир йил 260 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлсак, шунинг 37 минг сўми трикотаж буюмларга тўғри келади. Ўзимиз ишлаб чиқармасак-у, бировларнинг буюмини сотсак! Ахир, биз савдо ташкилоти эмасмиз-ку?! Планлаштиришдаги бундай хатоликлар қачонгача давом этади?!

Районда хизматнинг бошқа турлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Кўплаб колхоз ва совхозларда бунинг учун база йўқ. «Фоторазнобыт», «Техсложприборбыт» устахоналарида ҳам жойларнинг торлиги, материал таъминотининг ёмонлиги ҳақида ходимларимиз шикоят қилишяпти. Менимча, бу нуқсонларни зудлик билан тугатиш вақти келди. Бунга область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси раҳбарлари лоқайд қарамасликлари керак.

Н. САИДҚУЛОВА.

Косон район «Швейтрикотажбыт» бирлашмаси тикувчиси, область Совети депутати.

ЖОНКУЯРЛИК ЕТИШМАЯПТИ

Депутатлик тажрибам ҳали катта эмас. Сайловчилар область Совети депутатлигига муносиб деб топганларига энди бир йил бўляпти. Хўш, мана шу даврда мен совхоз меҳнаткашларининг халқ ҳокимиятидаги мухтор вакили сифатида нима иш қилдим?

Афсуски, бу саволга конкрет бир жавоб топишим қийин. Тўғри, совхоз ишлаб чиқаришига ишчи сифатида қўшаётган ҳиссам бошқалардан кам эмас. Хўжалигимиз коллективи сабзавотчиликка ихтисослашган. Маҳсулот тайёрлаш бўйича ўтган йили социалистик мажбуриятларнинг барча бандларини муваффақиятли бажардик. Умумхалқ дастурхонига қариб 12 минг тонналик маҳсулот билан ҳисса қўшдик.

Бу маҳсулотнинг салмоқли қисми мен ишлаётган теплица комбинатида етиштирилди. Ўтган йилги иш натижалари бўйича ҳар квадрат метр ойнаванд даламиздан қариб ўн тўрт килограммдан қишки сабзавот етиштирдик. Бу областда энг юқори кўрсаткичдир.

Энди шу кўрсаткични областнинг бошқа хўжаликларидаги натижалар билан таққослаб кўрайлик. Ўтган йили областдаги ҳар бир квадрат метр теплица майдонидан ўрта ҳисобда 8,9 килограммдан маҳсулот олинди. Чунки йирик теплица хўжаликларига эга бўлган Бухоро районидаги «Маданият» колхози, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози, Ленин номли колхозда ҳосилдорлик комбинатимизга нисбатан 4—5 центнер кам. Ғиждувон районидаги С. Айний номли колхозда эса теплица хўжалиги ҳосилдорлиги гектар бошига деярли тўрт баравар кам бўлмоқда.

Область агросаноат комитетининг раҳбарлари бундай аҳволнинг сабабларини зарур асбоб-ускуна, материал ресурсларининг етишмаслиги билан изоҳлашмоқда. Мен эса бошқа хўжаликлардаги депутат ҳамкасбларим билан қилган мулоқотларим асосида бошқача хулосага келдим. Назаримда, жойларда теплицачиликда юқори самарадорликка эришиш учун раҳбар ва мутахассисларимизга омилкорлик етишмаяпти.

Мана шу С. Айний номли колхоз теплица хўжалигини олайлик. Дастлаб колхознинг собиқ раҳбарлари теплица учун ташландиқ ерни танлаганликлари катта хато бўлди. Аммо шундан кейин ўтган йиллар мобайнида бу хатони тузатиш мумкин эди. Катта маблағ сарфлаб қурилган иншоот самарадорлиги тўғрисда жонкуярлик кўрсатмаслик, масъулиятсизлик оқибатида эса ишда кўзга кўринарли ўзгаришлар бўлмаяпти. Ерга зарур миқдорда органик ва минерал ўғит, торф бериш тадбирлари кўрилмаяпти, агротехниканинг бузилишига йўл қўйилмоқда. Ҳар йили пахтадан гектар бошига 39—40 центнердан ҳосил кўтараётган хўжалик раҳбарларига сабзавотчиликни ривожлантиришга бундай муносабат ярашмайди, деб ўйлайман.

Фикримча, областдаги теплицачилик билан шуғулланадиган барча хўжаликларда қиш шароитида ҳам меҳнаткашларни сервитамин маҳсулот билан таъминлашни кўпайтиришда каттагина резервлар мавжуд. Ўтган йили область теплица хўжаликларидан атиги 2100 тонна ҳосил олинди, холос. Бу имконият даражасининг ярмини ҳам ташкил қилмайди. Барча теплица майдонларида бизнинг совхоздаги даражага эришилган тақдирда ҳам ҳосилдорликни ҳозирги даражадан бир ярим баравар ошириш мумкин.

Шу мақсадда мен совхозимиз теплица комбинати базасида илғор тажриба мактабини ташкил қилишни таклиф этаман. Келинглар, биргаликда тармоқда ҳосилдорликни ошириш йўлларини излайлик.

Халқ депутати сифатида менга яна бир муаммо тинчлик бермаяпти. Совхозимиз тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга кўчишга ҳозирлик кўрмоқда. Аммо бу йўлда ғовлар кўп. Айниқса, областдаги сабзавотни қайта ишлаш саноати корхоналарининг камқувватлилиги оқибатида катта зарар кўрмоқдамиз.

Масалан, ўтган йили айни пишиқчилик даврида совхоз далаларида етиштирилган 1600 тонна помидорни нобуд қилмаслик учун Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз консерва заводларига ўз транспортимиз билан ташишга тўғри келди. Маҳсулотни транспортировка қилиш чиқимлари уни етиштириш харажатларидан қимматга тушди. Бундай шароитда хўжалик ҳисобини жорий қилиб бўлармиди? Областдаги планлаштириш ташкилотлари совхоз қошида консерва заводи қурилишини бошлаш масаласини ижобий ҳал қилишлари зарур.

Айни маҳалда колхоз бозорларида сабзавотнинг нархи яна энг юқори даражага кўтарилди. Ҳар йили ғал шу. Чунки область марказида ҳам, бошқа шаҳар ва посёлкаларда ҳам сабзавотни қишда сақлаш учун омборхоналар етишмайди. Шундай бўлишига қарамай Бухоро шаҳрида қурилаётган омборхона тезроқ фойдаланишга топширилишига етарли аҳамият берилмаяпти.

Умуман, областда сабзавотчиликни комплекс равишда ривожлантириш йўлида ҳали ҳал қилинмаган муаммолар кўп. Бу муаммоларни тезроқ ҳал қилиш учун ҳамма жон куйдириши лозим.

Мавлуда ИСМАТОВА,

Бухоро шаҳридаги Фрунзе номли совхоз ишчиси, область Советининг депутати.

ҚУРИГАН КЎЧАТЛАР, СОВУРИЛГАН ПУЛЛАР

Ўлкамизни кўкаламзорлаштириш, мевали боғлар яратиш борасида ҳар йили анчагина ишлар қилинаётир. Масалан, ўтган йили «Совет Ўзбекистони» газетасида Л. Кульбашнаянинг «Ниҳоллар бехато кўкарсин» сарлавҳали мақоласида Ўзбекистонда ҳар йили 100 миллиондан знёд турли кўчатлар ўтқазилиши, 1986 йил кузи ва ўтган йил баҳор ойларида 108 миллион дона турли кўчат, шу жумладан 62 миллион дона тут, 25 миллион туп ҳар хил мева ва ток кўчатлари экилганлиги айтилган.

Кўряпсизми, кўчатларнинг сони миллион-миллион. Қандай яхши, йилига юз миллионта кўчат экилса-ю, шунча кўкарса! Аммо...

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳар бир ниҳолни ўтқазиш учун қанчадан қанча ташкилотлар, хизматчиларининг иш куни ва меҳнати кетган. Ҳар йили миллионлаб экиладиган кўчатларга миллионлаб давлат маблағи сарф қилинмоқда. Лекин шу кўчатларнинг ўндан бири кўкаради, холос. Қолгани экилган жойида қуриб кетади. Агар бир йилда экилган 100—110 миллион ниҳолнинг 70—80 процента кўкариб кетганда ҳам республикамизнинг шаҳар ва қишлоқлари аллақачон ўрмонзорга айланиб кетарди. Бундан ташқари лойиҳалаш ишлари келажакни кўра билмасдан олиб борилиши туфайли гуркираб турган дарахтзорлар нобуд бўляпти.

Ҳар йили қуриб қоладиган кўчатларга ёки кўкариб турган дарахтларни кўчириб ташлашга сарф қилинадиган маблағларга мактаблар, боғчалар қуриш, эскиларини ремонт қилиш, мактабларга ўқув қуроллари олиш, пионер лагерлари қуриш мумкин эмасми?

Нима учундир республикамиз шаҳар-қишлоқларининг ободончилиги билан шуғулланадиган ходимлар Молдавия, Украина, Белоруссиядаги ибратли тажрибани ўрганишмайди. Бу республикаларда ҳар бир экилган кўчатнинг кўкариши, ўсиши қатъий ҳисобда, марказий кўчаларда экилган мевали дарахтлар шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турибди.

Бизнингча ҳар бир ташкилот раҳбари коллектив томонидан экилган ҳар бир ниҳолнинг кўкариб кетиши учун масъулиятни ҳис қилиши, қаровсизликдан қуриб қолган кўчатлар учун моддий жавоб бериши керак.

Ҳадемай, республикамизда кўчат экиш ойлиги бошланади. Шунинг учун ҳозирданоқ уларнинг тўла кўкаришини қатъий назорат остига олайлик.

А. ЭРГАШЕВ,

биология фанлари доктори.

«ГАЗЕТХОН СЎЗ СЎРАЙДИ» РУБРИКАСИ ОСТИДА БЕРИЛАЁТГАН МАТЕРИАЛЛАР ИЗИДАН

• *Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати*

РАИСНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съездига Наманган областидан сайланган делегатлар орасида Норин районидаги «Коммунизм» колхози раиси Иқбол Икромов ҳам бор. У мамлакат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг энг яхши ташкилотчилари билан учрашиш, қайта қуриш шароитларида иш тажрибалари билан танишиш, жонажон қишлоғида рўй бераётган ўзгаришлар тўғрисида сўзлаб бериш учун Москвага боради.

Ҳа, унинг ҳикоя қилиб берса арзигудек гаплари бор. Чунки Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бу колхознинг меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги шаклларини жорий этиш борасидаги ташаббусини маъқуллади.

Иқбол Икромов хўжаликни 1983 йил охирларида қабул қилиб олди. У пайтда колхоз давлатдан бир миллион 200 минг сўм қарздор бўлиб қолган эди.

Янги раисни ўз кабинетида камдан-кам учратиш мумкин эди. Унинг хонасида чироқ тун ярмисидагина ёнарди. У дала кезди, трактор паркида, фермада узоқ қолиб кетди. Оддий меҳнатчилар билан тез-тез суҳбатлашди. Мутахассислар билан учрашди. Маълумоти бўйича иқтисодчи эмасми, у туб ўзгаришлар заруратини яхши тушунарди. Колхозчиларнинг кўпчилиги ҳам шундай фикрда эканлигига ишонч ҳосил қилди.

Ишни оддий нарсадан — интизомни мустаҳкамлашдан бошлашди. Тартибни ўрнатиш бўйича қаттиқ талаблар айрим кишиларга ёқмади. Лекин асосий омма буни қўллаб-қувватлади. Негаки, бекорчилик, кам ҳақ олиш одамларнинг жонига теккан эди. Раис таклиф этаётган чора-тадбирлар оқсоқолларга ҳам маъқул тушди. Уларнинг аксарияти Иқболнинг отаси — Икромали Ҳакимовни яхши билардилар. Икромали ака бу ерда урушдан кейинги қийин йилларда раислик қилган ва хўжаликни ривожлантириш учун кўп тер тўккан эди.

— Ўғли отасига тортган кўринади. Бир сўзли, қатъиятли. Ишнинг ҳам кўзини билади, — дейишарди кексалар.

И. Икромов хўжаликни оёққа тўғразиш учун биринчи баҳордаёқ бригада ва оилавий пудратга ўтишни таклиф қилди. Пировардида бу нарса ҳосилдорликни оширишга ҳамда чорва маҳсулдорлигини ўстиришга туртки берди.

Кадрлар составини, энг аввало, қуйи бўғиндаги бригада бошлиқларини мустаҳкамлаш тўғрисида бригаликда бош қотиришди. Шу хўжаликда областда биринчи бўлиб колхозчилар ёпиқ овоз билан ўз етакчиларини сайлашди. Ана ўшанда кадрларни тайинлаш билан сайлаш ўртасидаги тафовут яққол кўзга ташланди. Чунки, бир неча йиллардан бери бригадир бўлиб ишлаб келаётган айрим кишилар сайланмай қолди.

Шундан сўнг яна сайлов бўлди. Колхоз раислиги лавозимига уч номзод — шу жумладан, Иқбол Икромов ҳам кўрсатилди. Колхозчилар уни бир овоздан сайладилар. Шу йўсинда коллектив унинг умум ишига қўшаётган ҳиссасига ижобий баҳо берди

Дарҳақиқат хўжалик астасекин ўзини ўнглаб олмоқда. Чунончи пахта ҳосилдорлиги саккиз центнерга ошди. Гектарлар самарадорлиги ўсди. Уларнинг ҳар бири мўмай фойда бермоқда. Агар 1983 йилда жами ҳосилнинг атиги 30 процента машиналарда териб олинган бўлса, ўтган йил бу кўрсаткич 80 процентга етди. Ҳар бир комбайннинг иш унумдорлиги қарийб икки марта юксалди. Пахта йиғим-терими пайтида четдан ишчи кучларини жалб этишдан воз кечилганлиги туфайли колхоз ҳар йили 180-200 минг сўмни тежаб қолмоқда. Табиийки, бу пуллар колхозчиларга тўланмоқда.

Колхоз чек системасига ва бошқаришнинг цех структурасига ўтди. Ўтган йили хўжаликда тўртта деҳқончилик, чорвачилик, механизациялаш ва электрлаштириш, маданий-маиший цехлари ташкил этилди. Уларнинг фаолиятига баҳо берилаётганда асосий эътибор иқтисодий кўрсаткичларга қаратилади. Сарф-харажатларни назорат қилишнинг ўзи хўжаликка 163 минг сўмни тежаб қолиш имконини берди.

— Ўтган йили ишимиз ончалик юришмади, — дейди халқ депутатлари Наманган область Советининг депутати Иқбол Икромов. — Ҳосилнинг бир қисми қор тагида қолиб нобуд бўлди. Шундай бўлса-да биз 600 минг сўм соф фойда олдик. Умуман, аъзоларимизнинг кайфияти яхши. Улар бу йил колхоз кассасига камида бир миллион сўм фойда келтиришга азму-қарор қилганлар. Бора-бора фойдани кўпайтираверамиз. Хўжаликни келаси йилдан бошлаб тўла хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиш учун олиб борилаётган тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказиш бунда қўл келади.

Суратда: (чапдан ўнгга) бош бухгалтер Ғуломжон Ҳамроқулов, колхоз раиси Иқбол Икромов ва экономист Собиржон Каримов.

А. Ковтун фотоси (ЎзТАГ).

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР

Мамлакатимизнинг урушдан кейинги бутун тарихи мобайнида давлатнинг ҳуқуқий асосларини, совет сиёсий ва ижтимоий тузумини мустаҳкамлаш масалаларига шу қадар катта эътибор берилган давр бўлмаган эди. Тобора куч-қувватга тўлиб бораётган қайта қуриш қонунчиликнинг мустаҳкамланиши билан чамбарчас боғлангандир. Қонун, ҳуқуқ-тартибот революцион янгиланиш омили бўлиб, ўзгартишлар муқаррарлигининг гарантияси бўлиб хизмат қилади.

Судлар ва юстиция органлари ходимларининг Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган республика кенгашида гап худди ана шу хусусда борди, кенгашда қайта қуришнинг ҳозирги босқичи шароитида судлар фаолиятини такомиллаштириш вазифалари муҳокама қилинди. Бу вазифаларни муҳокама қилишда прокуратура, адвокатура ва нотариат вакиллари, партия ва совет органларининг масъул ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Ўзбекистон ССР юстиция министри Б. Ғ. Олимжонов докладида, кенгаш иштирокчиларининг нутқларида партия мамлакатда революцион ўзгартишлар йўлини собитқадамлик билан амалга ошираётгани, жамиятни демократиялаш чуқурлашиб, ошкоралик кенгайиб бораётгани Ўзбекистон юстиция органлари ва судлари фаолиятидаги ўзгартишлар учун замин яратгани таъкидлаб ўтилди. Республикадаги маънавий-психологик муҳитни соғломлаштиришга, ижтимоий турмушни салбий ҳолатлардан тозалашга бу органлар қўшаётган ҳисса кўпайди. Ўзбекистон экономикасига жуда катта зиён етказган «пахта» ишлари деб аталган ишлар юзасидан суд жараёнлари асосан якунланди. Ашаддий ўғрилар ва порахўрларнинг катта гуруҳи жазоланди, давлатга етказилган миллионлаб сўм зарарнинг ўрни қопланди.

Айни вақтда, деб таъкидланди кенгашда, қайта қуриш юстиция органлари ва судлар фаолиятида ҳали алоҳида сезиларли силжишларга олиб келмади. Республикадаги оператив вазият мураккаблигича турибди. Социалистик мулкка кўз олайтириш даражаси камаймаяпти, чайқовчилик кенг тарқалган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзида одамлар билан муомалада тошбағирлик, беҳаҳмлик ҳолларига, социалистик қонунчиликнинг бузилишига барҳам берилмаган. Гражданларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш баъзан ёмон амалга оширилмоқда.

Бундай аҳволга эса, дейишди сўзга чиққан нотиқлар, қайта қуриш ғояларини амалга оширилаётган тадбирлардаги расмиятчилик, бу тадбирларнинг ҳужжатлар тусда эмаслиги сабаб бўлмоқда. Ўзаро талабчанликни, ҳар бир ходимнинг топширилган иш соҳаси учун масъулиятини қатъият билан ошириш лозимлиги таъкидланди. Республика экономикасида, социал соҳада содир бўлган салбий воқеалар одил судловга ҳам таъсир этди. Бу ўринда гап қонуннинг қўпол бузилгани, ҳуқуқ-тартибот органларида ишлаган баъзи кадрларнинг жиноятчилар билан тил бириктиргани ҳақида эмас. Қонунчилик тикланди, жиноятчилар жавобгарликка тортилди, аммо одамларнинг одил судлов, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш органларига ниҳоятда путурдан кетган ишончни тиклаш анча мушкул. Ушбу системадаги барча муассасаларнинг, ҳар бир ходимнинг бенуқсон ишлашигина ишончни тиклаши мумкин. Бу фаолият эса афсуски, ҳозирча мукаммал эмас, гражданлардан тушаётган ва аксарият ҳолларда ўринли жуда кўп шикоятлар шундан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон судлар составини бошқа республикаларга қараганда кўп даражада янгиланиб, халқ судларининг учдан икки қисми эндиликда биринчи бор сайланди. Уларнинг тажрибасизлиги, амалий билими етишмаётганлиги табиийдир, бу эса кўпинча ишда брак содир бўлишига, суд жараёнидаги хатоларга олиб келмоқда, деб таъкидланди кенгашда. Ўқиш керак. Ҳозир фақат ёшларгина эмас, тажрибали кадрлар ҳам ўқиши лозим: янги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, судлов практикаси баъзан қатъиян ўзгартирилмоқда. Шунга қарамай, республикадаги суд ходимларининг ўқуви ёмон ташкил этилган, малака оширишнинг амалдаги системаси эскириб қолди, практикадан ажраб қолинганлиги шундоққина сезилиб турибди, бу борада юзаки методларга барҳам берилмаган.

Айни вақтда энг яхши халқ судларининг тажрибаси дуруст ўрганилмаётир, деб таъкидлашди кенгаш қатнашчилари. Область судлари, Ўзбекистон ССР Олий Суди ўтказаётган судлов практикасининг таҳлили, умумлашмаларининг сифати даражаси юксак эмас. Ташвиқий ва тарбиявий аҳамияти катта бўлган намунали суд мажлислари кам ўтказилмоқда. Лавозимидан ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳуқуқ бузувчиларнинг жазоланиши муқаррар эканини қарор топтириш, одамларда актив ҳаётий позицияни тарбиялаш — ҳар бир шундай суд мажлисининг конкрет мақсадидир.

Сўнгги вақтда республикада бунинг учун анчагина имкониятлар бор эди. Аммо бу имкониятлардан ёмон фойдаланилмоқда. Кенгашда Жиззах областидан бир мисол келтирилди. Аёллар ўзини ўзи ёқиб юборишидек шармандали ва, таассуфки, ҳозир Ўзбекистонга хос бўлиб қолган воқеалар Жиззах областида кўпроқ содир бўлмоқда. Жиззахдаги суд ходимлари ихтиёрида ана шу социал иллатнинг барча илдизи ва моҳиятини яққол кўрсатиш учун имкон бўлган эди, бунинг учун тергов вақтида батамом фош этилган ва қабиҳ ният билан яхши бир қизнинг ўз жонига қасд қилишига мажбур этган туҳматчи устидан очиқ суд ўтказиш мумкин эди. Аммо бу ерда ана шундай ошкора ва ибратли суд мажлиси ўтказа олмадилар.

Мамлакатда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳот туфайли судлар ва юстиция органларининг янги вазифаларига кенгашда кўпроқ эътибор берилди. Суд системаси мамлакатда сўнгги вақтда қабул қилинган қонунлар ҳужжатлари асосида ислоҳотнинг бемалол ўтказилишини таъминлаши шарт. Хатоларга йўл қўймасликка учун суд ходимлари ҳуқуқни яхши билиш билан бир қаторда бугунги экономикани ҳам чуқур ўрганишлари, тўғаноқ бўлаётган механизмлар ўрнини батамом эгаллаши лозим бўлган жадаллаштириш механизмларига йўл очиб бераётган янги ҳуқуқий нормалардан билимдонлик билан фойдаланишлари, ижобий ўзгаришларга муқаррар тус беришлари керак.

Кенгашда СССР юстиция министри Б. В. Кравцов нутқ сўзлади.

КПСС XXVII съезди, мамлакатда содир бўлаётган революцион ўзгартишларнинг ҳозирги босқичи талаблари асосида Ўзбекистондаги суд системаси ва юстиция органлари фаолиятининг самарадорлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган тадбирлар программаси белгиланди.

(ЎзТАГ).

Космик вахтада

Учишни бошқариш маркази. 16 февраль. (ТАСС). Владимир Титов ва Муса Манаров космик учишининг тўққизинчи ҳафтаси бошланди.

Космонавтлар илмий тадқиқотлар программасини бажариш билан бир вақтда «Прогресс-34» кемасидан юкларни тушириб олмоқдалар. Улар космосга олиб чиқилган ускуналарни комплекс ҳоналарга жойлаштириб, борт системаларидаги ишлатиб бўлинган айрим элементларни алмаштирмоқдалар.

Бугун медицина контроли планига мувофиқ, экипаж эксперимент ўтказади. Эксперименталдан мақсад — елка қисми мускулларининг жисмоний иш қобилиятига баҳо бериш ва бир қанча биохимик тадқиқотларни ўтказишдан иборат.

Кун тартибига кўра учувчи бошқараётган «Мир» комплексини янги ускуна билан тўла таъминлашга оид ишларга тайёргарлик кўриш кўзда тутилган.

Учиш нормал ўтмоқда.

Владимир Титов ва Муса Манаров ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

«ЭГАСИЗ ҚОЛГАН ҲАММОМ»

Газетанинг 1987 йил 26 декабрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Урганч шаҳридаги ҳаммом қурилиши бир неча йилдан буён чўзиб келинаётганлиги кўрсатилган эди.

УРГАНЧ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобда қайд қилинишича, унда баён этилган фактлар тасдиқланди. В. Фаёзов кўчасидаги ҳаммом қурилиши агросаноат комитетида маблағ йўқлиги туфайли тўхтатиб қўйилган.

Ҳозирги вақтда мазкур ҳаммом қурилиши «Хорезмсовхозводстрой»нинг 1988 йил планига киритилди ва учинчи кварталда ишга туширилиши белгиланди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети 1988 йил 5 март шанба дам олиш кунини 7 март душанба кунига ўтказишга қарор қилди.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

16 февраль куни Тошкент шаҳар партия комитетида Ўзбекистон пойтахти оммавий ахборот воситалари, маданий-идеологик муассасалар ходимлари билан учрашув бўлди. Учрашувда меҳнат коллективларини КПСС XXVII съезди қарорларини изчил амалга оширишга, Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олишга сафарбар этиш борасидаги ишларни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Учрашувда камчиликларни кескин танқид қилишни сусайтирмай, илғор тажрибани кенг пропаганда қилиш, иқтисодий ўзгартишлар моҳиятини тушунтириш, совет жамиятини революцион янгилаш йўлини амалга оширишда партияга ёрдам бериш зарурлиги айтилди.

Учрашувда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин сўзга чиқди.

(ЎзТАГ).

• *Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан*

«Совет Ўзбекистони» анкетаси

1. Сизнинг коллективингизда, партия ташкилотингизда қайта қуриш қандай боряпти? Унинг дастлабки босқичи қандай якунланди?

2. Янгича ишлаш тажрибаларидан қайси бирлари диққатга сазовор ва уни қандай ёйса бўлади?

3. Сизнингча, қайта қуришга нималар ҳалақит беряпти? Қайси ишда ҳали ҳам турғунлик ҳукм сурмоқда?

Анкета саволларига Андижон область партия комитети бюросининг аъзоси, Олтинкўл районидаги «Коммуна» колхози пахтачилик бригадаси бошлиғи Сиёсатхон Абдуллаева жавоб беради.

ИШИМИЗНИ ҚАНДАЙ ҚАЙТА ҚУРЯПМИЗ?

1. Мен қайта қуришни ўз-ўзини англаш, масъулиятни ҳис этиш, виждонан ишлаш, эски одатларни тарк этиш деб биламан. Қайта қуриш — бу турмуш шароитимизнинг яхшиланиши учун кураш дегани. Биз ҳалол ишлаш, қизиқарли яшашни бошладик. Мен буни ўз коллективимиз, партия ташкилотимиз фаолиятида кўриб турибман. Колхоз партия комитети иш услубида ижобий ўзгаришлар бўляпти. Партия йиғилишлари, комитет мажлисларини жонли, танқидий руҳда ўтказишга уриняпмиз. Кун тартибига қўйиладиган масалалар олдиндан эълон қилиняпти. Колхоз партия ташкилоти атрофига уюшган 170 коммунист партия йиғилишларига маълум тайёргарлик билан келадиган бўлди.

Партия ташкилоти раҳбарлигида коллектив орасида демократия, ошкоралик кучайди. Колхозда 19 та пахтачилик бригадаси бор эди. Улар йириклаштирилиб, 13 тага келтирилди. Коммунист Исмоилжон Исҳоқов бошлиқ бригада икки йил сурункасига пахта тайёрлаш планини бажармади, бригадада интизом бўшашиб кетди. Коммунистлар уни бригадирликдан бўшатиш тўғрисида таклиф киритдилар. Унинг ўрнига коммунист Абдуваҳоб Мирзаев сайлов йўли билан бригада бошлиғи бўлди. Мирзабаҳром Алибоев, Эргашвой Давронов каби коммунистлар ҳам очиқ овоз бериш йўли билан бригада бошлиғи қилиб сайландилар. Мен ҳам бу йил йириклаштирилган қолоқ бригадага ўтдим. 120 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олмоқчимиз.

Раҳбарларни сайлаш — бу тўғри йўл. Лекин бу ишда расмиятчилик, юзакичилик ҳукмрон. Оқибатда баъзан талабчан, ишнинг кўзини биладиган кишилар четда қолиб, кимнинг таниш-билиши кўп бўлса, ўшалар раҳбарлик курсисига ўтириб қолаётир. Айниқса, ўрта бўғин кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда шундай камчиликлар содир бўлаётир. Табелчи Холдорвой Каримов ҳам, гарчи унда ишчанлик, ташкилотчилик қобилияти йўқ бўлса-да, ана шундай йўл билан бригада бошлиғи қилиб сайланган эди. Колхоз правленеисининг собиқ раиси, партком аъзоси Қ. Нишонова буни яхши биларди. Лекин у йиғилишда бетараф турди, ўз фикрини айтмади. Оқибатда Х. Каримов бригадир қилиб сайланишга сайланди-ю, бироқ кейинчалик бу ишни эплай олмади. У бир йил ишлагач, вазифасидан бўшатилди.

Мен бу мисолни бекорга айтмадим. Одамлар демократия деб, баъзан нотўғри иш тутиб, ўзларига қарашли кишиларни лаёқати бор-йўқлигидан қатъи назар раҳбарлик лавозимларига сайлашга уринмоқдалар. Партия ташкилоти уларга демократиянинг асл моҳиятини тушунтирмаяпти. Ваҳолонки, демократия партия ташкилоти назоратида бўлгани яхши. Кадр танлашга бундай лоқайд қарамаслигимиз, шошма-шошарликка йўл қўймаслигимиз, уддабурон, билимдон, қайта қуришни амалга оширишга қодир кишиларни топишимиз керак.

Колхоз партия ташкилоти коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш соҳасида анча иш қилди. 21 та бригада ва тармоқ партия ташкилоти секретари, 143 нафар бевосита ишлаб чиқаришда ишлаётган коммунист аттестациядан ўтказилди. Цех партия ташкилотининг секретари Турсунбой Аҳмедов, оддий коммунист Ғанижон Ёқубов аттестация комиссияси саволларига жавоб беролмади. Улар партия ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликларни билмадилар. Аҳмедов цех партия ташкилотининг секретарлигидан бўшатилди.

Кўриниб турибдики, цех партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш соҳасидаги ишларимиз бўш. Қуйи бўғинларда партия йиғилишлари юқори савияда ўтказилмайди. Коммунистлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар кўпинча эътиборсиз қолиб кетади. Мен бундай нуқсонларни кўпроқ 12-бригада партия ташкилоти (секретари В. Аҳмадқулов), механизация цехи партия ташкилоти (секретари Ҳ. Исмоилов) фаолиятида кўраман. Айниқса, маъмурий аппарат партия ташкилоти (секретари М. Юсупова) қайта қуришга бўш раҳбарлик қиляпти.

Қуйи партия бўғини — курашнинг олдинги маррасидир. Бу бўғинда ҳамиша жанговарлик таъминланиши керак.

Қайта қуришнинг дастлабки босқичи якунига келсак, районимиз ва колхозимизда бир қатор ютуқлар қўлга киритилганлигини кўрамиз. Хўжалигимизда ўтган йили гўшт, сут, жун, тухум, пилла, дон етиштириш бирмунча кўпайди. Лекин асосий тармоқ — пахтачиликда олға томон қадам қўйилмади. Ўтган йили колхозда пахта етиштириш бурноғи йилга нисбатан 1200 тонна камайди. Ҳар гектар ердан 23,7 центнердан ҳосил олинди. Бу, 1986 йилга қараганда 9,4 центнер кам. Хўжалигимизда бирорта бригада пахта тайёрлаш планини бажармади. Мен бошлиқ бригада ҳам планни уддаламади. Нега?

Колхозда коммунистларнинг 80 проценти, партия комитети аъзоларининг ярмидан кўпроғи пахтачилик билан шуғулланади. Улар ўз бурчларини яхши ўтамадилар. Комитет аъзолари: колхозимиз раиси Ж. Сатторов, бош агроном О. Расулов пахтачиликка сидқидилдан раҳбарлик қилмадилар. Пахта кечки бўлиб қолди. Янги «Андижон» навининг агротехникаси бузилди. Айрим бригадаларда сентябрь ойининг охирида ҳам эгатларга сув таралди. Бунинг устига дефолиация кеч ўтказилди. Меҳнатни механизациялаш даражаси пасайди. Пахтанинг кечкилиги, қор эрта ёққанлиги сабабли колхозда машинада пахта териш салмоғи кескин камайди. «Зангори кема»ларнинг умри бекор ўтди, пахта тайёрлаш плани барбод бўлди.

2. Қайта қуриш жараёнида диққатга сазовор тажрибалар, илғор иш услублари юзага келди. Қишлоқ хўжалигида оила пудратининг жорий этилиши янгича ишлаш тажрибаларидан биридир. Уни кенг ёйса бўлади, деб ҳисоблайман.

Районимизда, колхозимизда маккажўхори дони, беда, қизилча, мева ва узум, сабзавот етиштириш оилавий пудратга тўла ўтказилди. Ўтган йили районда маккажўхори дони 23,5 центнер, беда ҳосилдорлиги 26 центнер, қизилча 235 центнер кўпайди. Район бўйича пахтачилик бригадаларининг тенг ярми пудрат усулида ишлаб, илк тажриба орттирди. Бизнинг хўжалигимизда ҳам 2 та бригада, 6 та оилавий звено пудратга ўтган эди. А. Рўзиев бошлиқ оилавий звено 8 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан, Ж. Ҳазратқулов, Н. Қўчқоров бошлиқ звенолар эса 38 центнердан ҳосил олдилар.

Демак, қишлоқ хўжалигида оила пудратини жорий этиш — тармоқни ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир. Лекин биз, деҳқонлар пудрат тўғрисида умумий тушунчага эгамиз, холос. Колхоз партия ташкилоти меҳнаткашлар, коммунистлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормаяпти. Колхозда 5 та иқтисодий таълим мактаби бор. Бироқ бу мактабларда бирорта пудратчи бригада ёки звенонинг иш тажрибаси чуқур ўрганилиб оммалаштирилгани йўқ. Ваҳолонки, бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар кўп.

Оилавий пудратни кўплар ҳавас қилади. Лекин ерни ҳар кимга ҳам бериб бўлмайди. Ер ўз эгасини топиши керак. Ўтган йили Иноммиддин Каримов колхоздан 15 гектар ер олиб, звено пудрати тузди. 4 киши деҳқончилик қилди. Лекин пахта тайёрлаш планининг ярмини ҳам бажара олмади. Пахтачилик илмини яхши биладиган, ўз ишини севадиган ҳақиқий пахтакорларгагина ер бериш керак. Акс ҳолда ернинг умри бекор ўтади. Пудратчи шартномага мувофиқ ишлаши шарт. Амалда эса бу тартиб бузиляпти.

Колхоз партия ташкилоти бу масалани чуқур ўрганса фойдадан ҳоли бўлмасди. Бу йил колхозимиздаги 13 та бригаданинг ҳаммаси пудрат асосида ишлашга ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида Андижон областида қайта қуриш сust олиб борилаётганлиги, иқтисодий ва социал ривожланиш кўрсаткичлари, айниқса пахта ҳосилдорлиги кескин пасайиб кетганлиги қаттиқ танқид қилинди. Бу, обком бюроси аъзолари, яъни мен ва бошқалар шанига жиддий таъна бўлди. Бу таъннанинг бир учи район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларига ҳам тегади.

3. Қишлоғимизда қайта қуриш талаблари меҳнаткашлар, коммунистлар онгига тўла етиб боргани йўқ. Буни асослайдиган мисоллар кўп. Колхознинг собиқ бош инженери Ортиқбой Қосимов ўзининг ножўя ҳаракати билан эгалламоқ турган лавозимига доғ туширди. У бош инженер бўлган йили фан-техника ютуқларини деҳқончиликка татбиқ этиш учун анча жон қуйдирди. Кейин эса ўзгариб кетди, партия ташкилоти билан ҳисоблашмай қўйди. Икки марта огоҳлантирилган бўлишига қарамай дала ишлари қизғин тус олган пайтда колхоз правленеиси, партия комитетининг рухсатисиз бир ой «касаллиги» баҳонасида шимолдаги шаҳарларга кетиб қолди.

У ишдан четлатилди, албатта. Лекин гап бунда эмас. Бу қайта қуриш соҳасида олиб борилаётган партия ишининг савиясини белгилайди. Колхоз партия комитетининг қайта қуришга бағишланган ҳисобот йиғилишида комитет аъзоларининг фаолиятсизлиги тўғри танқид қилинди. Партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Адҳам Акбаровга идеология ишларига раҳбарлик қилиш топширилган эди. У мактаб директорлигига кўтарилгандан кейин комитет аъзоси эканлигини унутди, ҳатто партия йиғилишларига ҳам келмай қўйди. Колхоз бош агрономи коммунист Одилжон Расулов ягона сиёсий кун машғулотларини белгиланган вақтда ўтказмади.

Ҳисобот йиғилишида кўп коммунистлар сўзга чиқдилар, танқидий гаплар ҳам айтишди, дейиш мумкин. Бироқ нотиқлар — техника хавфсизлиги инженери С. Мирзақулов, бригада бошлиғи А. Расулова, кекса коммунист А. Сатторов, колхоз раиси, партком аъзоси Ж. Сатторов ва бошқалар «фалончи ундай қилмади, пистончи бундай қилмади» деган ҳасратдан нарига ўтмадилар. Шахсан ўзлари нима қилганликлари ҳақида эса ҳатто оғиз ҳам очмадилар. Мен бу билан демократия деб қуруқ танқидбозликка ўтиб олганлигимизни эслатиб ўтмоқчиман.

Очиқ айтишга тўғри келади. Бизнинг коллективимизда, партия ташкилотимизда қайта қуришга раҳбар ходимларнинг масъулиятсизлиги, интизомсизлиги халақит беряпти. Собиқ бош инженер, бош агроном, партия ташкилоти секретари ўринбосарининг маънавий жавобгарлиги унутганликлари кечирилмас ҳолдир.

Биз бу нуқсонлардан холи бўлиш учун ишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми талаблари асосида ташкил этишимиз керак.

РЕВОЛЮЦИЯ, ДАВЛАТ, ДЕМОКРАТИЯ

В. И. Лениннинг «Давлат ва революция» асари босилиб чиққанининг 70 йиллигига

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ классикларининг бой назарий-фалсафий меросида 1918 йилнинг бошларида нашр этилган В. И. Лениннинг «Давлат ва революция» асари гоят катта ўрин тутади. Ижодий марксизмнинг буюк намунаси бўлган бу асар КПСС, халқаро коммунистик ҳаракат сиёсий таълимотларининг ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнади ва жаҳон прогрессив сиёсатшунослигига зўр таъсир кўрсатди.

В. И. Лениннинг «Давлат ва революция» асарининг бебаҳо ғоялари ҳозирги вақтда янгича сиёсий тафаккур, жамият ҳаётини кенг демократиялаштириш ва хўжалик механизмини қайта қуриш асосида социал-иқтисодий ривожланишимизни жадаллаштириш даврида катта роль ўйнаши табиийдир. Зеро, В. И. Ленин революцион таълимотининг ҳаётбахш кучи М. С. Горбачев таъкидлаганидек, **«унинг ҳақиқийлигида, ижодий моҳиятида, ижтимоий практика таъсири остида янада ривожлана олиш хусусиятидадир». Бу таълимот биз учун олға томон ҳаракат стратегияси ва тактикасини белгилашда дастуриламал, илҳом манбаи, ишончли компас бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.**

В. И. Ленин мазкур асарда таърифлаб берган назарий қоидалар ичида айниқса, социализм шароитида демократия масаласи алоҳида ўрин тутади.

«Демократияни то ОХИРИГАЧА ривожлантириш, бундай ривожланишнинг формаларини ўйлаб топиш, уларни ПРАКТИКАДА синаб кўриш», — деган В. И. Лениннинг талаби КПСС ва Совет давлати мамлакатда амалга оширган ва ҳозир ҳам ошираётган сиёсий йўлнинг программ мақсадини ташкил этади.

Социализм ва демократия табиатан узвий боғлиқдир. Демократия бир томондан давлат формаси бўлса, иккинчи томондан давлат тузумини белгилаш ва уни бошқаришда гражданларнинг тенг ҳуқуқлигидир. Бу жиҳатлар ўзининг юксак ифода тарзини фақат социализмдагина топа олади. Социализм — эксплуататор тузум ўрнига жамият ҳаётини меҳнаткашлар учун энг мақбул иқтисодий ва сиёсий ташкил этишдир. Социализм — меҳнаткашлар революцион ижодиётининг натижасидир ва ҳамма вақт объектив равишда демократик ифодаланиши лозим. Бу ҳол социалистик жамиятнинг иқтисодий системасига ҳам, синалган раҳбар куч Коммунистик партияга, жамиятни бошқаришнинг асосий воситаси бўлган социалистик давлат фаолиятига ва барча жамоат ташкилотлари иши режимига ҳам тааллуқлидир.

В. И. Ленин демократияни тарихий категория сифатида қараб, унинг синфий типологиясини асослаб берди. Айни вақтда у социалистик типдаги демократия ўз ривожланишида турли босқичлардан ўтишини илмий башорат қилди, жамият ривожланишининг марралари демократия ривожланишининг ҳам марралари эканлигини таъкидлади ва мамлакатимизда демократия ривожланиши икки босқичдан иборат бўлишини олдиндан кўра билди.

Биринчи босқичнинг бошларида давлат пролетариат диктатураси шаклида намоён бўлиб, унинг демократияси илгари эзилган кўпчиликнинг эксплуатация қилинувчи омманинг хоҳиш-иродасини ифодалайди ва собиқ эзувчи, эксплуататор бўлган синфларга қарши диктаторлик жиҳатларини намоён қилади. Бу демократия социализмга ўтиш даврида амал қилади ва жамиятда амалга оширилаётган туб сифат ўзгаришларининг бевосита таъсири остида бўлади. Социалистик демократия жамиятнинг бутун сиёсий ривожланишида эришилган барча умуминсоний қадриятларнинг қонуний асосидир. Бу қадриятлар социализм даврида янги характер касб этиб ривожланади ва чуқурлашиб боради. У энг аввало, жамият аъзоларининг ҳуқуқларини фақатгина қонунлардагина эмас, балки реал ҳаётда, амалда таъминлаш билан белгиланади.

СССРда ҳозирги босқичдаги демократиянинг ташувчиси бўлиб социалистик умумхалқ давлати ҳисобланади. Давлатнинг бу формаси пролетариат диктатураси давлатидан ўсиб чиқади. Бу демократияда янги таҳрирдаги КПСС Программасида таъкидланганидек, **«мамлакат ривожланган социализм босқичига қадам қўйди».**

Бу босқичда социал белгиларга кўра демократияни чеклаш энди бўлмайди. Унинг ривожланишида биринчи навбатда ишчилар синфи ҳамда бошқа синф ва гуруҳларнинг кучайиши рўй беради. В. И. Лениннинг социалистик тенглик ва эркинлик меъёрини ўрнатиш тўғрисидаги кўрсатмалари социалистик демократиянинг худди шу босқичида амалга ошади.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумида ишлаб чиқилган, партия XXVII съездида ижодий бойитилган ва тасдиқланган мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш концепцияси ва стратегияси социалистик демократияни, унинг барча жиҳатлари ва кўринишларини янада ривожлантириш билан боғлиқ, деб белгиланди. Зеро, демократия бамисоли мусаффо ҳаво, социалистик ижтимоий организм фақат ана шу ҳаводан нафас олиб соғлом ҳаёт кечириши мумкин.

В. И. Ленин янги жамият барпо этиш йўлида кўпгина ўтиш даврлари бўлади, деб кўрсатган эди. У «Давлат ва революция» асарида Ф. Энгельснинг «Ҳар бир айрим воқеанинг конкрет-тарихий хусусиятларига қараб, айни шу ўткинчи форманинг нимадан нимага ўтишидан иборат эканлигини... жуда ҳам синчиклаб анализ қилишга интилганини» юксак баҳолаган эди. Қайта қуриш — ўтиш формаси, унинг вазифаси муайян тарихий босқич сифатида социализмнинг ленинча концепциясини барча жиҳатлардан тўлароқ қайта тиклашдан иборат. Бунда ижтимоий турмушни демократиялаш ва тез иқтисодий ислоҳот ўтказиш қайта қуришнинг узвий алоқада бўлган икки томонидир.

Қайта қуришни характерлайдиган бундай демократиялашнинг ўзига хос томони шундаки, у социалистик ривожланишдаги иккинчи босқични ифодалайди. Бу даврда давлатни бошқаришда аҳолининг мумкин қадар тўла иштироки таъминланади. Натижада халқнинг ўз-ўзини бошқаруви социалистик демократиянинг ва умуман, социализмнинг тобора кўпроқ имкониятларини очиб беради. В. И. Ленин халқнинг ўз-ўзини бошқаруви Совет ҳокимиятининг моҳиятини билдиради, деб тушунтирган эди.

Янги таҳрирдаги партия Программасида халқнинг ўз-ўзини бошқарувининг асосий звеноси Советлардир, деб таъкидланади. Советлар шундай демократик ташкилотки, уларда, жамиятдаги давлатнинг моҳияти ифодаланади.

Советларнинг бу сифати В. И. Лениннинг **«ваколатли муассасаларни қуруқ сафсатабозлик муассасаларидан «ишловчи» муассасаларга айлантириш»** зарурлиги тўғрисидаги қоидаларининг рўёбга чиқишини билдиради. Советлардаги депутатлар профессионал парламентарийлар эмас, улар давлат вазифаларини бажаришдан ажралмаган ҳолда ишлаб чиқариш вазифаларини ҳам ўзларининг сайловчилари бўлган бутун халқнинг кўз олдида бажарадилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми Советлар фаолиятида мамлакатимиздаги барча синфлар, миллатлар ва элатлар ягона қудратли оилада янада бирлашиб халқнинг ўз-ўзини бошқарув концепциясини анча конкретлаштирди, ривожлантирди. Пленум ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид совет жамияти соғлом ривожланишининг, унинг тобора демократиялашувининг гаровидир, деб кўрсатди.

Қайта қуриш шароитида социализмнинг келажаги демократиянинг чуқурлаштирилишида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотда ўзининг моддий асосини топмоқда. Бу сиёсат ва экономикада содир бўлаётган ғоят катта ўзгаришлар жамият ҳаётини янги сифат босқичига чиқариш билан Октябрь революциясидан кейинги энг катта қадамлардандир. Эндиги вазифа демократиялаштириш принципларини белгилаб олишдангина эмас, балки одамларнинг замонавий сиёсий маданиятини қарор топтиришдан, бошқача сўзлар билан айтганда жамият аъзоларини демократия шароитида яшаш ва ишлашга ўргатиш, социалистик демократизм маданиятини юқори даражага кўтаришдан иборат.

Меҳнат коллективларининг ўз йиғинларида социалистик корхоналар раҳбарларини сайлаш, улар фаолиятини контрол қилиб туриш соҳасидаги илгарига қараб силжишдир.

Партия ва давлатнинг кейинги вақтларда ленинча тушунилган маънодаги ва мазмундаги социалистик демократияни ривожлантиришда амалга ошираётган тадбирлари ичида жамоат ташкилотлари потенциалидан тўла-тўкис фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Жамиятнинг авангарди ва раҳбар кучи бўлган Коммунистик партия раҳбарлигида иш олиб борадиган бу ташкилотлар ичида коммунизм мактаби бўлмиш касаба союзларида 137 миллион, комсомолда 42 миллион, ўз имкониятини янгидан намоён этаётган турли кооперативларда ўн миллионлаб кишилар уюшган. Улар ва яқинда қарор топган уруш ва меҳнат ветеранларининг Бутуниттифоқ кенгаши, хотинқизлар кенгашлари, Совет маданият фонди, В. И. Ленин номидаги болалар фонди каби қатор ташкилотлар демократияни кенгайтириш ҳамда ривожлантиришда ўз куч-ғайрати, имкониятлари ва ҳуқуқларини тўла қувват билан ишга солиши лозим. Буларнинг ёнига 10 миллиондан ортиқ жамоатчилик вакилларини бирлаштирган халқ контроли ташкилотини ва бошқа қатор жамоат ассоциацияларини (ижодий, илмий-техника, спорт, маданият ходимлари ташкилотларини) қўшсак, В. И. Ленин қўйган вазифа — **«давлатни идора этишда халқнинг жуда кўпчилигининг амалда иштироки»** таъминланаётганини кўрамиз.

Совет давлатининг 70 йиллик революцион тарихи ва қардош социалистик мамлакатлардаги янги жамият қуриш практикаси В. И. Лениннинг «Давлат ва революция» асарида асослаб берилган демократияга доир ғоялари ҳаётийлигини ҳар томонлама исботлади. Жамиятимиз тараққиёти ҳозирги босқичи, қайта қуриш муаммоларини ҳал этишда ҳам доҳийнинг бу асари ғоят катта интеллектуал восита ҳисобланади.

Ш. АЗИЗОВ,
Совет сиёсий фанлар ассоциациясининг аъзоси, Тошкент давлат университети доценти.

МУКОФОТ АТРОФИДАГИ ГАПЛАР

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ўтказилаётган турли кенгашларда селекционерларга ғўзанинг яхши навларини етиштирмаётибсизлар, деб таъналар қилинмоқда. Бундай гапсўзларни колхозлар ва совхозларда ҳам тез-тез эшитишга тўғри келмоқда. Шундай пайтда бирданига маҳаллий газеталарда «Термиз—14» навини яратганларга фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилганлиги ҳақидаги хабар босилиб чиқди. Селекционерлар ингичка толали пахтанинг интенсив нави агротехникасини ишлаб чиққанликлари учун ана шу мукофотга сазовор бўлган эдилар.

Ниҳоят яхши нав топилибди, деган ўйга бордик. Пахтакорларга ҳам, тўқимачиларга ҳам зарур нав қўлимизда. Лекин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси мажлисларидан бирини эслаймиз. Унда мукофотга қўйилган номзодлар муҳокама қилинганида республика Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Жўрабеков «Термиз—14» юксак мукофотга нолойиқ деб қатъиян қарши чиққан эди.

Республика Давлат агросаноат комитетида менга кўплаб қоғозларни кўрсатишди. Мутахассислар уларда «Термиз — 14» навига кескин қарши чиққан эдилар. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. Антонов республика Министрлар Советига ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига: «Термиз — 14» шу типдаги бошқа навларга кўпгина кўрсаткичлар бўйича тенг келолмайди. Тўқимачилик саноатининг талабларига жавоб бермайди ва харидоргир эмас», — деб ёзди.

Мана бу папкада СССР Енгил саноат министрининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисига йўллаган мактуби ва телеграмласи, бошқа масъул раҳбарларнинг ёзишмалари сақланади. Ип-газлама саноати Марказий илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари ҳам бу навга салбий баҳо бердилар. Барча ҳужжатларда «Термиз —14» тўқимачиларнинг талабига жавоб бермаслиги ишончли тарзда исботланади. Шу нав экладиган майдонлар ундан чиқадиган толанинг физикавий-механик хусусиятлари пастлиги, жуда кўп даражада ифлосланиши сабабли қисқартилиши зарурлиги тўғрисида зўр бериб талаб қилинади. Бироқ, бу нав муаллифларга мукофотни ҳам беришди, «Термиз — 14» нави экиладиган майдонлар ҳам кенгайтирилди. Ўтган йили 111 минг гектар майдонга шу нав экилди. Эндиликда эса 145 минг гектарга «Термиз — 14»ни экиш мўлжалланмоқда.

Хўш, шундай бўлса-да, нима учун бу нав юзага «силжиб» чиқди ва у жуда кўплаб обрў-эътиборли кишиларнинг эътиборларига қарамай, лауреатлар сафидан жой олди! Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Ҳабибуллаев Давлат мукофотлари комитети номига келган фикр-мулоҳазалар сақланаётган катта папканн кўрсатди. Сурхондарё область партия комитети «Термиз — 14» навини областда ҳар гектар ердан ўртача камида 33—35 центнердан ҳосилдорликка эришилганлиги учун мақтаган эди. Шу туфайли область ҳар йили салкам 65—70 миллион сўм фойда олмоқда. Фикр-мулоҳазалар орасида Қашқадарё область агросаноат комитети, Сурхондарё областидаги хўжаликларнинг бир қатор раҳбарлари юборган мақтов қасидалари бор эди ва табиийки, кўпгина илмий муассасалар «Термиз — 14»ни қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги тўқимачиларнинг яккаю ягона фикр-мулоҳазасида эса «Термиз — 14» селекция навининг пахта толаси дағал, ифлос... ва умуман бу нав ип йигиришнинг кечаги куни» деб баҳо берилган эди. Лекин мана шу акс-садога эътибор қилинмади. У дабдабали мақтовлар орасида йўқолиб кетди.

Мукофот тақдирини пинхона ҳал этдилар. Пировард натижа учун ишлайдиган кишиларнинг фикр-мулоҳазасига қулоқ солмадилар. Мен Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлдим. Иккинчи йигирув фабрикасида мастерлар, инженерлар, йигирувчилар, ишлаб чиқариш раҳбарлари тўпланишди. Улардан «Термиз—14» пахта навини қандай қайта ишлаяпсизлар, деб сўрадим.

— Жуда қийналиб кетдик. Пахта толаси узунлиги жиҳатидан бир текисда эмас. Ифлоси кўп, — деди комбинатда қарийб ярим асрдан бери ишлаётган йигирувчи З. Акимова.

— Бу нав толасидан юқори сифатли газлама тўқиш мумкин эмас, — деди қатъийлик билан ишлаб чиқариш бошлиғи С. Исаев.

Мен йигирувчилардан «Термиз — 14» ни яратганларга мукофот берилганлигини биласизми! деб сўрадим. Маълум бўлишича, улар бу ҳақда биринчи марта эшитаётган эканлар. Шунда йигирувчилар бир овоздан «Қандай бемазагарчилик! Нима учун бизнинг фикримиз билан қизиқиб кўришмади! Ахир, ахлат учун мукофот бериш мумкинми!» деб газабланишди.

Тошкент тўқимачиларига иккинчи сортли хом ашёни ишлаш жонга тегди. Шу сабабли ўтган йили ўтказилган ярмаркада, Урта Осиё деҳқонлари етиштирган пахта биринчи марта ярмаркага қўйилганида тўқимачилик комбинати раҳбарлари 3 минг тонна... Туркманистоннинг ингичка толали пахтасини сотиб олдилар. Чунки бу нав «Термиз-14»дан бирмунча яхши эди. Бунда улар транспортга кетган сарф-харажатларга ачинмадилар, умуман, қилган савдоларидан ўксинмадилар ва бу билан маҳаллий пахтачиларга тўғридан-тўғри ўз ишончсизликларини билдирдилар. Нима ҳам дердик, завод маркаси шарафи ва истеъмолчиларни ҳурматлаш сохта ватанпарварликдан қимматроқдир.

Виктор АРТЕМЕНКО,
(«Правда» мухбири).

Тошкент.

(«Правда», 1988 йил 16 февраль).

Қишлоқ қурилишлари учун

«Узагропромстройиндустрия» 2-бирлашмасининг Бахт қишлоқ комбинатида майда, аммо ниҳоятда тақчил бўлган дурадгорлик буюмлари— энсиз тахта, плинтус, рейкалар ишлаб чиқаришга киришилди.

Бу йил меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усулига ўтилиши билан қўшимча резервларни қидириб топишга киришилди. Ҳозир корхонада тубдан реконструкциялаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Бу ишлар дурадгорлик цехи маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, темирбетон буюмларни ишлаб чиқаришни йилига 50 минг кубометргача етказиш имконини беради. (ЎзТАГ).

КОСМОНАВТЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида одам бошқарадиган Совет — Афғонистон экспедициясини ўтказишга тайёргарлик бошланмоқда. СССР Халқ хўжалиги ва илмий тадқиқотлар учун космик техника яратиш ва ундан фойдаланиш бош бошқармасида аҳа шу учишга тайёргарлик ва уни ўтказиш тўғрисидаги протоколни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Тайёргарлик атиги ярим йил давом этади. Етти кунга борадиган экспедицияга августда старт берилади. Совет — афғон экипажи иш программасида ерни масофадан туриб зондлаш эксперименталарига кўпроқ ўрин берилган. Жумладан, Афғонистоннинг фойдали қазилмаларни қидириш учун қизиқарли бўлган одам борили жуда қийин районларини космосдан туриб суратга олиш кўзда тутилмоқда. Афғон мediклари вазнсизлик шароитида организмнинг мослашуви механизмини ўрганишга айниқса қизиқдилар, бу эса уларга ватан авиация ва космик медицинасига асос солиш имконини беради.

Иккала томон протоколни имзолаш чоғида икки мамлакат олимлари ва мутахассисларининг космик орбитадаги бўлажак ҳамкорлигидан мамнуният изҳор қилди. АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Афғонистон республикаси алоқа министри М. А. Ватанжар тайёрланаётган экспедицияни икки халқ дўстлигининг чўққиси, деб атади. Бутун дунё, деди у, М. С. Горбачевнинг Афғонистон хусусидаги баёнотини мамлакатимиздаги аҳволни бартараф этишнинг реал имконияти, деб қабул қилди. Бизнинг бугунги тантанамиз — совет кишилари менинг халқимга фан ва техникани ривожлантиришда астойдил ёрдам беришни истаётганликларининг ёрқин ифодасидир.

СССР Халқ хўжалиги ва илмий-тадқиқотлар учун космик техника яратиш ва ундан фойдаланиш бош бошқармаси бошлиғи А. И. Дунаев Совет — Афғонистон космик экспедициясига муваффақият тилади. У космонавтларни тайёрлаш марказида 12 февраль куни космонавтлар сафи кенгайишини — медицина комиссияси Совет— Афғон космик экипажи составига киритиш учун Афғонистон республикасининг икки учувчисини тасдиқлашини маълум қилди. Шу тариқа, бизнинг халқаро космик академиямизда бир пайтнинг ўзида одам бошқарадиган учта халқаро парвозга тайёргарлик олиб борилади. Бу парвозлар шу йилда амалга оширилади. Июнь ойида иккинчи Совет — Болгария экспедицияси старт олади, ноябрь ойида эса Совет — Франция экипажи «Мир» станциясига учиб боради.

(ТАСС мухбири).

Халқ депутатлари ўз сайловчиларига ҳисоб бермоқдалар

ИШОНЧГА САДОҚАТ

Куни кеча Яккабоғ районида 104-Шаҳрисабз сайлов округидан СССР Олий Советига депутат, Яккабоғ районидаги «Қизил Юлдуз» колхози бригадаси бошлиғи Муҳаббат Худойқуловаинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Ёш коммунист Китоб, Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ районлари ва шаҳарларида яшовчи сайловчиларнинг вакиллари қатнашган бу йиғилишга дадил, ишчанлик руҳияти билан келди.

Бу бежиз эмас эди. М. Худойқулова депутатликка сайлангандан кейин ўзининг кундалик фаолиятига талабчанлик билан муносабатда бўлмоқда. У ишда ҳам, жамоатчилик фаолиятида ҳам активликни янада кучайтирди. Касбдошларига ҳар томонлама ўрнак кўрсатмоқда. Эришган натижалари сайловчилар ўртасида айтса арзигулик.

Халқ депутати ҳисоб берар экан, меҳнат муваффақиятларига ҳам, наказларни бажаришга қандай муносабатда бўлганлигига ҳам тўхталди. Айтиш мумкинки, кейинги йиллар унинг учун ўзига хос камолот босқичи бўлди. Ўзи яшаб турган «Қизил Юлдуз» колхозида маккажўхорикорлик бригадаси етакчилигидан пахтачилик бригадасига бошлиқ бўлиб ўтди. У бошлиқ коллектив йил сайин мўл ва сифатли пахта ҳосили кўтариб келмоқда. Бунда кўпчилик манфаати жонкуяри Худойқуловаинг ташкилотчилик фаолияти номоён бўлмоқда.

СССР Олий Советининг депутати ҳокимиятнинг олий органи вакили сифатида анчагина ишларни бажаришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Китоб, Қамаши, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ районлари ва шаҳарларида яшовчи сайловчиларнинг ишончини оқлаш учун қурашмоқда. Бир қатор ободончилик ишларининг амалга оширилганлиги бевосита унинг номи билан боғлиқ. Жумладан, Қамаши райони марказида 240 ўринли шифохонанинг биринчи навбати, Чироқчи шаҳрида юқумли касалликлар шифохонаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Айни кунларда Яккабоғ район марказий шифохонаси биноси қурилиши тезлаштирилмоқда. У кўпгина колхоз ва совхозларда социал масала ва проблемаларнинг ҳал этилишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Учрашувда сўзга чиққан сайловчилар халқ депутатининг наказ ва сўровларига эътибор билан муносабатда бўлаётганини алоҳида таъкидладилар. Китоб районидаги «Китоб» совхоз-заводи касаба союз комитети раиси Ўроқ Эшонқулов, Яккабоғ район марказий шифохонаси бошланғич партия ташкилоти секретари Бибихол Мойлиева, Қамаши район марказий шифохонаси врачи Худоёр Бўтаев, Чироқчи районидаги «Коммуна» колхози аъзоси Абдулла Хушвақтов, Шаҳрисабз шаҳар уруш ва меҳнат ветеранлари совети раиси Аҳмад Орзиқулов ва бошқалар ўз сўзларида депутатнинг фаолиятини маъқуллаш билан бирга унинг адресига айрим фикр ва мулоҳазалар ҳам билдирдилар.

Зотан, депутатлик иштиҳоси эмас. Бу номни оқлаш учун кўпчилик билан ишлаш, ғайрат қилиш, астойдил ишлиш лозим бўлади. Бу юксак номни ҳалол меҳнат билан оқлаш лозим. М. Худойқуловага Китоб — Тошкент поезд қатновини тартибга солиш, Китоб — Самарқанд тоғ оша автомобиль йўли узлуксиз ишлашини таъминлаш, бир қатор аҳоли пунктларини газлаштиришга таъсир кўрсатиш ҳақида сўров ва илтимослар айтилди. У бу фикр ва мулоҳазаларни ўз фаолиятида инобатга олишини билдирди.

М. КАРОМОВ.

• Қизилқумдан хатлар

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ЙЎЛЛАРИДА

Қизилқумда у совхоздан бунисига, у отардан наригисига етгунча йўл юриш, йўл юрганда ҳам мўл юриш керак. Чунки улар оралиғи ўнлаб, ҳатто юзлаб чақиримлар билан ўлчанади. Ҳозирги қишли-қировли кунларда узоқ масофаларни босиб, чўпон, раҳбар-у мутахассислар билан суҳбатлашар экансиз, шундай вазиятнинг гувоҳи бўласиз: қишлов кўнгилдагидай боряпти, чорвадорларнинг кайфияти яхши. Улар ҳаловатини бузаётган, фикри-зикрини банд этган бошқа масала бор. Бу — хўжалик ҳисоби.

Шу йилдан бошлаб Томди ва Учқудуқ районларининг аксарият совхозлари хўжалик ҳисобининг дастлабки босқичида ишлашга ўтди. Турган гапки, унинг талаби катта, вазифалари кенг қамровли. Уларни амалга ошириш йўлида тўсиқлар, тушунмовчиликлар ва хатоларнинг бўлиши табиий. Шу билан бир қаторда илк ибратли тажрибалар ҳам юзага келган. Қуйидаги лавҳаларда қизилқумлик чорвадорларнинг ана шу йўналишдаги фаолияти хусусида фикр юритилади.

1. Мардни фақат майдон синамайди

Бош чўпон Урчинбой Тиловқобиловнинг илгариги иш юритиши беш қўлдай аён эди. Хўжалик унга план берарди. Унда қанча қўзи олиши, нечтасини ўстиришга қолдириб, қанча қоракўл тери, гўшт ва жун топшириши белгиланган бўларди. Табиийки, чўпон бу топшириқларни бажаришни кўзлаб меҳнат қиларди. Маҳсулот таннархи, кетган сарф-харажатлар уни қарийб қизиқтирмас, бу каби масалалар билан мутахассис ва раҳбарлар шуғулланишарди. Бир сўз билан айтганда, у асосан сон кетидан қувиши лозим эди. Чунки маош ва мукофотнинг таянч нуқталари ана шу базис устига қурилганди.

Тиловқобилов шу йўсинда ўттиз уч йил ишлаб келди. Планни доим ўринлатди. Меҳнатлари «Халқлар Дўстлиги» ордени, кўплаб мукофотлар билан тақдирланди.

Бироқ ўтган йил бошидан унинг ҳаёти ўзгарди. У раҳбарлик қилаётган отар пудратга ўтиб, етиштирадиган маҳсулот турлари, унга кетадиган сарф-харажатлар бўйича хўжалик маъмурияти билан шартнома тузди. Шартномада барча кирим-чиқим ҳисобга олинган. Чўпонлар кам харажат қилишса, тежамнинг ярмини олишар, белгиланганидан кўп сарфга йўл қўйишса, унинг эллик фоизини ўз ҳисобларидан тўлашарди. Ўртадаги бутун муомалани чек системаси бошқарадиган бўлди.

— Бундай ишлаш бизни иқтисодий фикрлашга ўргатди, — дейди бош чўпон. — Илгарилари имконияти борича кўпроқ ем-хашак ундириш пайида бўлардик. Энди, аввало унинг қанчага тушишини ҳом чўт қилиб оламиз. Фойдалими — марҳамат. Қиймати, транспорт харажатига ҳеч иккаланмай чек ёзиб берамиз. Мабодо зиён келтирадиган бўлса, рад қиламиз. Бундан бир ярим йил бурун бирон ёқда бормоқчи бўлсак, совхоз машинасини сўрар, баъзан хотинимизни бозорга жўнатишга ҳам давлат машинасидан фойдаланар эдик. Чунки бунга кетган харажатлар хўжалик зиммасига тушарди. Ҳозир машина сўрашдан олдин мулоҳаза юритишга тўғри келади. Имконни бўлса, олмасликка тиришамиз. Боиси ҳозир транспортнинг ҳар бир чақирими учун чўнтакдан пул тўлаймиз.

Ёки бошқа бир масалани олайлик. Авволлари ем-хашакни қандай қилиб қабул қилиб олганимизни эсласам, кўнглим ғаш тортади. Ўзиям роса ҳотамтой бўлган эканмизда. Ем ва бошқа нарсаларнинг миқдорини қанча деса, шунча экан, деб миннатдорчилик билдириб олиб қолаверардик. Айни чоқда ҳар бир килограммини тортиб олмасак, кўнглимиз тинчимайди. Хуллас, пудрат усулида ва чек системасида ишлашга ўтгач, тежам ва самарадорликка интилган, ўзимизни чорва хўжалигини сифатида ҳис қиладиган бўлдик.

Бу фикрлар — хўжалик ҳисобининг дастлабки натижалари. У бошқа қирраларда ҳам намоён бўлмоқда.

Маълумки, ўстиришга қолдирилган қўзилар ажратилиб, улардан янги отарлар тузилади. Келгуси йил эса бу отарлардан чўпонларга совлиқлар бўлиб берилади. Тиловқобилов шу ҳақда кўп ўйлаб кўриб, ўстиришга қолдириладиган 200 дан зиёд қўзини ўзи боқишга қарор қилди. Нега? Сабаби бундан у манфаатдор. Биладики, ўзининг дуркун қўзилари бошқа бир чўпоннинг қўлига тушгач парвариши кўнгилдагидек бўлиши даргумон. Бунинг устига бир йилдан кейин унинг чекига қандай қўй тушишини айтиш қийин.

Шундай, хўжалик ҳисобида ишлаш чўпонга ҳамма нарсага манфаатдорлик, тежамкорлик ва самарадорлик нуқтаи назаридан ёндашишни тақозо этяпти. Хўш, у бунда моддий жиҳатдан ютяптими? Фактларга мурожаат қилайлик. Ўтган йилгидай ғоят оғир шароитда ҳар юз бош қўйдан 101 тадан қўзи олди. 271 дона қоракўл тери, 18,9 центнер жун топширди. Бунинг учун ҳаммаси бўйи 14 минг сўмга яқин даромад қилди. Бу 1985 йилга қараганда анча кўпдир.

Биз Томди районидаги «Томди» давлат наслчилик заводида ўртача ишлаётган бир чўпон фаолияти хусусида фикр юритдик. Илғорларнинг иқтисодий кўрсаткичлари, маблағларни сарфлашдаги тежамкорликлари ундан бирмунча юқори. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Абдураҳмонов, А. Бозорбоев, А. Даулетов бош чўпонлик қилаётган коллективларда ҳар бир кишининг ўртача ойлик маоши 400-680 сўмни ташкил қилди. Бунга натура сифатида берилган қўйлар қиймати кирмайди.

Майдонга тушган мард пешонасини силаб турмайди, деган нақл бор. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, хўжалик ҳисобида ишлашга ўтган коллективларнинг бу нақлга амал қилишлари эндиликда номувофиқ бўлиб қолди. Боиси шундаки, ҳозир чўпонлар катта куч-ғайрат кўрсатиб ишлашлари билан бирга бу меҳнатнинг нечоғлиқ самарадорлиги, ҳар бир тийин сарфланган харажатнинг эртанги кунда келтирадиган даромади, истиқбол режалари ҳақида бош қотиришлари, ҳар бир масалада етти ўлчаб, бир кесиб иш юритишлари шарт бўлади. Акс ҳолда улар қанчалик мард, матонатли бўлишмасин, янгичасига ишлаш шароитида «қоқилиб» қолишлари мумкин.

— Шунинг учун биз бу борадаги ишни ўрганиш ва ўргатишдан бошладик, — дейди завод директори А. Исаев. — Ҳамма мутахассис ва чўпонларни хўжалик ҳисобида қандай ишлаш бўйича ўқитдик. Барибир, тушунмовчилик ва саволлар кўп эди. Аввалги йилдан янги шароитда ишлай бошлагач, ҳар ким ўз тажрибаси хатоларидан сабоқ олиб борди. Ҳозир биз ўз харажатларимизни ўзимиз қоплашга ўтишга тайёргарлик кўряпмиз. Шу йилнинг ўзида ярим миллионга яқин соф даромад олишни режалаштирганмиз. Агар 1985 йилни заводимиз шунча миқдордаги зарар билан якунлаганини, ўтган йили 200 минг сўмдан ортиқ фойда олганлигимизни назарда тутсак, режамиз реаллигини билиш қийин эмас.

Хўжаликда кишиларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишга, маданий ва маиший шарт-шароит яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериляпти. Кейинги икки йилнинг ўзида чўпонлар учун 20 та уй қуриб берилди. Уйларнинг барчасида ҳаммом бор. Шунингдек, аксарият отарлар баллонли газ плиталар, ёпиқ қўралар билан таъминланган. Кино, медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатишга катта эътибор қаратиляпти. Яқиндан бошлаб яна бир хайрли иш — йўлга қўйилди. Қизилқум регионида биринчи бўлиб, бу ерда кўчма ҳаммом ишлай бошлади. Уни совхоз мутахассисларининг ташаббуси билан Шимолий кон бошқармасининг оталиқ кўмаги асосида ўзлари ясадилар. У оддий юк машинасига ўрнатилган бўлиб, ювиниш билан бирга кир ювишга ҳам мўлжалланган. Ҳайдовчи чўпонларга ва уларнинг оила аъзоларига бир йўла бепул кино ҳам кўрсатади.

Албатта, буларни амалга ошириш осонлик билан кечмаяпти. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди-да. Коллектив хўжалик ҳисобига ўтса бўлди, ҳамма иш ўз-ўзидан ривожланиб кетаверади, деб ўйлаш ҳам хомхаёл. Негаки, янги система асосида меҳнат қилиш омилкорликни, кирим-чиқимда қатъий ҳисобни, барча соҳада ижодкорликни тақозо қилади. Бўлмаса, панд еб қолиш, ҳатто хўжаликни тарқатиб юборишгача олиб келиши мумкин.

«Томди» заводининг мутахассис ва чўпонларида худди шу хусусиятларни мужассамлаштиришга бўлган интилиш сезилиб туради. Райондаги «Оёққудуқ» совхози чорвадорлари адресига ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Бироқ «Жана шаруа» совхози раҳбарларида ишга бундай муносабат етишмаяпти.

Ушбу совхоз ўтган йилни 245,4 минг сўмлик зиён билан якунлади. Шу йил ҳисобидан бошлаб эса 69 бригададан 48 таси пудрат усулида, коллективларнинг ҳаммаси чек системасида ишлашга ўтди. Ўз-ўзидан равшанки, бу биринчи навбатда раҳбар ва мутахассислардан янгича фикрлашни, масалаларни эпчил, оқилона ҳал қилишни талаб қилади. Афсуски, амалда бундай бўлмаяпти. Улар янги вазифаларни эски андозалар билан ечишга ҳаракат қилишяпти.

— Ҳозирги шароитда ҳамма соҳада тежамли ишлашимиз керак, — дейди 4-ферма бош чўпони С. Қулбоев. — Бизда бунинг акси бўляпти. Яқинда совхоз марказидан отаримизга атиги 30 килограмм ем юборишибди. Ораликдаги масофа — 50 чақирим. Бу менга олти сўмга тушди ҳисоб. Ундан сал олдинроқ 50 килограмм олган эдим. Тўғри, қиш кунида ем олишга мажбурмиз. Лекин бу йўсинда қандай қилиб харажатларни тежаймиз?!

— Аслида пудрат усулида номигагина ишлаяпмиз, — дейди бош чўпон Қ. Қолжонов. — Январь ойи якунланди ҳамки, совхоз маъмурияти билан шартнома тузганимиз йўқ. Ақалли, ҳар биримизга озуқага, транспортга қанча сарф-харажат қилишимиз кераклиги ҳам маълум эмас. Кўр-кўрона ишлаш билан мақсадга эришиб бўлмайди-ку?!

Чўпонларнинг куйинганича бор. Совхоз директори Т. Шабанов, бош экономист А. Тауенов ва бошқа раҳбарларнинг масъулиятсизлиги оқибатида хўжалик чорвадорлари аросатга тушиб қолишган. Улар янги методда ишлашга ўтиш муқаррарлигини билишади-ю, аммо уни жорий этишга келганда, уқувсизлик қилишяпти. Бу билан эса чўпонларнинг тўла куч-ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишларига тўсиқлар қўйиляпти. Бунга чек қўйиш, раҳбарларнинг номатлуб позициясига принципиал баҳо бериш зарур. Айни пайтда уларга янги шароитда ишлаш йўлларини ўргатиш керак. К. Маркс номли, Балиманов номли хўжаликларда ҳам шунга ўхшаш нохуш фактларга дуч келиш мумкин.

Бир районда икки хил аҳвол. Бу Томди район партия комитети, РАПОдан аҳволни чуқур таҳлил қилиб, юзага келган дастлабки тажрибаларни ривожлантиришни ва кенг тарғиб қилишни, салбий фактларга нисбатан қатъий баҳо берган ҳолда қолоқ хўжаликларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатишни талаб қиляпти. Бўлмаса, район экономикасини кўтариш, кўп йиллар мобайнида йиғилиб келган миллион-миллион сўмлик қарзлардан қутулиш ҳақидаги режалар армонлигича қолади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

Избоскан районидаги «Ўзбекистон» колхозининг аҳолиси врачлар ёзиб берган рецептлардаги дориларни энди уйларидан ўн километрлаб нарида эмас ўз қишлоқларидаёқ харид қилиш имконига эга бўлдилар. Бу ерда қурилган янги дорихонани «Ўзагропромстрой» иккинчи қурилиш бирлашмасининг маҳаллий механизациялашган кўчма колонаси қишлоқ қурувчилари барпо этдилар.

Янги муассасада олдиндан буюртмалар столи ишлайди. Агар керакли дорилар дорихонада вақтинча йўқ бўлса, буюртма бериб, уларни тез кунларда олиш мумкин. Шу ернинг ўзида аҳолидан қимматли доривор ўсимликларни қабул қиладиган пункт ҳам ташкил этилган.

(ЎзТАГ).

Тўйтепадаги маккажўхори уруғлигини калибрлаш заводи уч смена ишлаш режимига ўтиб ишлай бошлади. Бунга корхонани реконструкция қилиш, иш жойларида аттестация ўтказиш ва бошқа тадбирлар имкон берди. Корхонада қайта ишланган уруғлик ўзининг сифати билан ажралиб туради. Бу ерда тайёрланган уруғликка фақат Ўзбекистонда эмас, балки Украина, Грузия ва бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам талаб катта. Завод уруғлик етказиб бериш планларини ҳамиша ортиғи билан бажармоқда. Ҳозиргача пландаги 10 минг тонна ўрнига 12 минг тонна маккажўхори уруғлиги деҳқонларга етказиб берилди.

Суратда: корхона техник-лаборанти Л. Жимадинова уруғлик сифатини кўздан кечирмоқда.

Г. Пун фотоси (ЎзТАГ).

• Беш йиллик меҳнат вахтасида

Ташаббускорлар

⊙ Жиззах область агросаноат комплексининг бир группа ишлаб чиқариш илғорлари уч йиллик планини Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кун — 28 июнгача бажариш ташаббуси билан чиқдилар.

Улар орасида Дўстлик районидаги Саркисов номли совхоз сут соғувчиси Хадича Зулфиқорова, Фориш районидаги «Фориш» совхози чўпони Эшонқул Хўжамиёров, 4-хўжалик ҳисобидаги автобаза ҳайдовчиси Геннадий Бобьяк, Пахтакор районидаги Оқбулоқ тажриба хўжалиги сут соғувчиси Елена Васильковская каби социалистик мусобақа ғолиблари бор.

Агросаноат комплекси ходимлари касаба союзи область комитети президиуми томонидан маъқулланган бу ташаббус меҳнат коллективларида қизғин кутиб олинди. Ташаббус издошлари сафи тобора кўпайиб бормоқда.

Б. САТТОРОВ.

Пешқадамлар ғайрати

● Чотқол геология-қидирув экспедиция проходкачилари ўзларининг меҳнатини анча енгиллаштирадиган махсус машинадан фойдалана бошладилар.

Тикка жойлашган конларни қазиш учун мўлжалланган бу машина ёрдамида кўп маблағларни тежаб қолишга ҳамда қидирув ишларини жадаллаштиришга эришилди.

Шу машина билан ишланган дастлабки 10 кун ичида 20 метр узунликда кон қазиш ишлари бажарилишига муваффақ бўлинди. Бу иш эски технология ёрдамида бир неча ой мобайнида бажарилган бўлур эди. Бу машинани тоғ тепасига олиб чиқишиб, уни геологларнинг ўзлари монтаж қилишди ва ишга туширишди. Проходкачилардан Г. Маслов, В. Габбосов, В. Свинин, Г. Бурячков, М. Копцовлар ана шу ишнинг ташаббускори бўлдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Ғазалкент,
Тошкент области.

Мактаб ислоҳоти: қайта қуриш чорраҳаларида

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИМИ, БУ...

Республика мактабларида «Ўзбекистон ССР тарихи»ни ўқитишдаги чалкашликлар

Мактабда ўқитиладиган ҳар бир предмет юзасидан ўқувчиларга бериладиган билим программа доирасида бўлади. Дарслик ва ўқув қўлланмалари таълим ва тарбиявий мазмуни, методик ва дидактик йўналиши жиҳатидан ана шу программа талабига мос бўлиши лозим. Шундай экан, умумтаълим мактабларида Ўзбекистон ССР тарихини ўқитиш проблемалари ўқув программалари, дарслик, методик қўлланмалар, шунингдек, республика Маориф министрлиги ўқув-методика кабинети ва Т. Н. Қори —Ниёзий номидаги Ўзбекистон ССР педагогика илмий-тадқиқот институти тарих ўқитиш методикаси лабораторияси томонидан ишлаб чиқилаётган методик тавсияларда қандай ифода этилган?

«Ўқитувчи» нашриёти томонидан ўтган йили чоп этилган «Ўрта умумий таълим мактабларининг тарих программаси»ни қўлга олсангиз, унинг совет педагогикаси, психологияси ва дидактикасининг, қолаверса, умумтаълим мактабларини ислоҳ этишнинг бугунги кун талабидан узоқ эканлигининг шоҳиди бўласиз. Фактларга мурожаат этайлик.

СССР Маориф министрлиги томонидан тасдиқланган тарих программасига Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги қошидаги тарих программаси комиссия аъзолари, жумладан VII синфда бир соатли дарс давомида ўқувчилар учун қуйидаги ҳажмдаги тарихий материалларни ўрганишни тавсия этадилар: (ўқув программасидан айнан келтирамиз):

«1-тема. Закавказье ва Ўзбекистон территориясидаги биринчи феодал давлатлар. 1-соат.

Закавказье давлатлари, уларнинг маданияти. Христиан ва ислом динининг тарқалиши. Қулдорлик хўжалиги ва ўрта аср шаҳарларининг инқирози. Кушонлар давлатининг инқирозга юз тутиши. Ўзбекистон турк қоқонлиги составида. Феодал хўжалигининг пайдо бўлиши. Деҳқонлар, кишаварзлар ва кедиверлар. Абру раҳбарлигидаги қўзғолон.

Ўрта Осиёнинг феодал тарқоқлиги. Араб халифалигининг Мавораннаҳрни босиб олиши. Ислом ва унинг Ўзбекистонда тарқалиши. Унинг синфий моҳияти. Хўжалик ва маданий ҳаётнинг таназзулга юз тутиши.

Жузза ва хирож. Араб халифалиги ва маҳаллий феодаллар ҳукмронлигига қарши кураш. Муқанна раҳбарлигидаги қўзғолон. Араб ҳукмронлигининг тугаши ва Сомонийлар давлатининг ташкил топиши (IX аср). Давлатни бошқариш. Хўжаликнинг юксалиши. Феодал шаҳарнинг равнақ топиши. Савдо алоқаларининг кенгайиши. Деҳқонларнинг асоратга солиниши (чоракорлик, давлат мажбуриятлари). Меҳнаткашларнинг феодал зулмига қарши кураши. Қорахонийларнинг Мавораннаҳрни босиб олиши. Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши. Бошқаришнинг удел (!) системаси. Қорахонийлар давридаги хўжалик ҳаёти. Иқта (!) ва иқтадорлар. Хоразм давлати.

IX—X асрларда Ўрта Осиё халқлари маданияти ривожланишининг шарт шароитлари. Фан ва адабиёт (Ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Боласоғуний, Маҳмуд Қашғарий, Рудакий). Архитектура ва декоратив санъат (безаш санъати). Халқнинг маданий ҳаётида исломнинг ҳукмронлиги».

Бир соатга мўлжалланган дарс давомида бу тарихий воқеаларни баён этишни тавсия этган тарихчи— мутахассис методистлар кўрсатмаларини ҳақиқатга яқин, давр талабига мос, жиддий методик тавсия деб қабул қилиши мумкинми? Тавсия этилган тарихий материални программадан шунчаки ўқиб беришнинг ўзи камида ўн минут вақтни талаб этадику!

Программанинг биринчи бўлими феодализмнинг вужудга келиши ва ривожланиши масаласига бағишланади. Бироқ мазкур ўринда яна қулдорлик хўжалиги ва ўрта аср шаҳарларининг инқирози масаласига қайтилган. Нима, тарихни даврларга бўлиш шуни тақозо этадими? Ахир, мактаб ислоҳоти талабларида янгидан тузиладиган ўқув программалари ўринсиз қайтариқлардан холи бўлиши кераклиги уқтирилган-ку.

Бундан ташқари партия ва ҳукуматимиз кўрсатмаларида атеистик тарбияни давр талаби асосида олиб бориш кераклиги таъкидланмоқда. СССР тарихи курсида ўрганиладиган ўлка материаллари ўқувчиларни илмий-атеистик руҳда тарбиялаш бобидаги энг қулай ғоявий таъсир воситаси ҳисобланади. Афсуски, айтилган сабабларга кўра ўқитувчи дарс жараёнида бундай реал имкониятдан маҳрум этилган.

Республикамиз мактабларидаги кўпгина ўқувчилар коммунистик тарбиянинг асосий компоненти — тасвирий санъат асарлари хусусида озгина ҳам тушунчага эга эмаслар. Гап шундаки, программа тузган олимлар ўқувчиларни Ўзбекистон халқларининг тарихидаги бой материаллар асосида уларнинг эстетик дидини шакллантиришга етарли эътибор бериш лозимлигини унутганлар. Бирва Ғарбда алгебра фанидан асосий дастуриламал бўлиб қолганлигини, жаҳонга машҳур бу асарнинг лотин тилига таржима қилинган нусҳасидан кенг фойдаланганликларини, Ал Хоразмий номи алгебра фанида «Алгоритм» термини билан абадул-абад қолганлигини қаердан ҳам ўқиб оладилар.

Амалда қўлланилаётган мактаб ислоҳоти ўқувчиларнинг, айниқса, гуманитар фанлар бўйича мустақил ўқиши, предметлараро алоқа боғлашни илмий-методик жиҳатдан кенг жорий этиш лозимлиги уқтирилган. Бироқ программада бу нарса сезилмайди. Жумладан, «Ўрта Осиё халқларининг мусоатли дарс жараёнида олти асрли тарихий материални ўрганиш тавсия этилгану, Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Боласоғуний, Маҳмуд Қашғарий, Рудакий каби буюк даҳолар тўғрисида ўқувчиларга кенгроқ маълумот бериш лозимлиги ҳам «ёддан кўтарилган».

Мактабларда Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганиш шу аҳволда борса, ёшларимиз Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг «Ҳисоб ал-жабр ва муқобала» асари бир неча асрлар давомида Шарқ ва Ғарбда алгебра фанидан асосий дастуриламал бўлиб қолганлигини, жаҳонга машҳур бу асарнинг лотин тилига таржима қилинган нусҳасидан кенг фойдаланганликларини, Ал Хоразмий номи алгебра фанида «Алгоритм» термини билан абадул-абад қолганлигини қаердан ҳам ўқиб оладилар.

Юқори синфларда Ўзбекистон ССР тарихини ўрганиш учун киритилган темаларда ҳам шундай ҳолни учратамиз. Кези келганда шуни айтиш керакки, республика Маориф министрлиги қошидаги тарих программаси комиссияси аъзоларининг аксарияти мактаб ҳаётидан узоқ, 45 минутли мактаб дарсининг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаганга ўхшайдилар.

VII-VIII синфлар учун Ўзбекистон ССР тарихи ўқув қўлланмаси сўнгги бор 1976 йилда чоп этилган эди. Бугунги кунда иш шу даражага етиб бордики, кўпгина мактабларнинг шу синфларида Ўзбекистон ССР тарихи ўқув қўлланмаси «нодир нусха» бўлиб қолди. Жумладан, педагогика институтлари тарих факультетлари студентлари актив педагогик практика ўтадиган «таянч» мактабларда ҳам бу қўлланмадан ном-нишон йўқ. Бу нарса республика Маориф министрлиги учун сир эмас. Шунга қарамай, ўн йил давомида 7-8 синфлар учун дарслик яратишга очиқ конкурс эълон қилинмаётганлигини қандай тушуниш мумкин?

Бугунги кунда иттифоқдаги умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитишда қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Кўпгина практик ўқитувчилар етук методист-олимлар билан ҳамкорликда замонавий дарсларнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқмоқдалар. Шуниси ачинарлики, тарих ўқитишда республикамиз умумтаълим мактаблари учун регионнинг ўзига хос специфик хусусиятларини ҳисобга олган, мактаб тажрибасида кенг қўлланилиши мумкин бўлган вариантлар ҳамон ишлаб чиқилмаган.

Яқинда Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон ССР педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг тарих ўқитиш методикаси лабораторияси (авторлар Ремеев Н. М, Бородина У. Ш. ва бошқалар) «Ислоҳ қилинган мактабларда тарих, жамиятшунослик, Совет давлати ва ҳуқуқи асосларини ўқитишнинг хусусиятлари» методик тавсияларни тайёрлади. Унда Ўзбекистон ССР тарихи материалларини авторлар қайд этганларидек «ислоҳ қилинган» эмас, балки ислоҳ қилинаётган мактабларда бугунги қайта қуриш даврида қандай ўрганилиши хусусида бирор арзигули тавсия топилмайди.

Педагогика фанининг бугунги тараққиёти ўқувчиларнинг билим, тушунча, қонуниятлар кўлами, фан асосларини ўрганишда конкретликни, умумийликни, ўзига хос хусусиятларни аниқлай билишларини тақозо этмоқда. Шундай экан, ўқув қўлланмаси «нодир нусха» бўлиб қолди. Жумладан, педагогика институтлари тарих факультетлари студентлари актив педагогик практика ўтадиган «таянч» мактабларда ҳам бу қўлланмадан ном-нишон йўқ. Бу нарса республика Маориф министрлиги учун сир эмас. Шунга қарамай, ўн йил давомида 7-8 синфлар учун дарслик яратишга очиқ конкурс эълон қилинмаётганлигини қандай тушуниш мумкин?

Бугунги кунда иттифоқдаги умумтаълим мактабларида тарих фанини ўқитишда Ўзбекистон ССР тарихи материалларини ўрганишда унинг ўзига хос хусусиятларини атрофлича баён этиб берилмоғи даркор. «Методик тавсия»да «тарих ўқитиш жараёнида илмий дунёқарашни шакллантириш» тўғрисида кўрсатма берилар экан, бу жараёнда олиб бориладиган атеистик тарбия, унинг форма ва методлари хусусида лом-мим дейилмайди.

Яқинда КПСС Марказий Комитетида оммавий ахборот воситалари, идеология муассасалари ва ижодий союзларнинг раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев «КПСС тарихи очеркларида»ни яратиш тўғрисидаги кўрсатмалари, фикримизча, тарихга доир ҳар қандай дарсликка, жумладан Ўзбекистон ССР тарихига ҳам тааллуқлидир. «Тарихимиз тўғрисидаги ҳақ сўз, — деб кўрсатди М. С. Горбачев, — бизнинг муштарак бисотимиз, бизнинг кучимиздир. Шу сабабли КПСС тарихи юзасидан дарслик бўлиб қола оладиган яхши, ҳаққоний китоб ёзиш — катта иш... Зарур илмий билимга эга бўлган олимлар асосий ишни қиладилар... Авторларнинг яхши коллективини вужудга келтириш лозим. Унга ижодкор, принципиал, билимдон кишилар киритилсин. Ҳа, авторлар коллективи бўлиши лозим...

Дарҳақиқат, мактаблар учун, педагогика институтларининг тарих факультети студентлари учун яратиладиган ўқув программаси, дарслик, методик қўлланма ва тавсияларни яратишда мактаб ҳаётини яхши биладиган ижодкор, принципиал, билимдон кишилардан тузилган авторлар коллективи бўлса республикамиз тарихини илмий асосда ўрганиш муаммосини ижобий ҳал этиш мумкин.

Т. ТОШПЎЛАТОВ,
Тошкент давлат педагогика институтининг доценти.

• *Санъат оламида*

ЭТЮДЛАРДА — АЖДАРЛАР КЎРФАЗИ

Ўзбекистон ССР халқ рассоми Рўзи Чориев Вьетнам Социалистик Республикасига қилган сафаридан янги ижодий режалар билан Ватанига қайтиб келди. Ҳозир рассомнинг ишн бошидан ошиб ётибди. У бу дўст мамлакатдан олган таассуротларини, ўша ерда қилган этюдлари ва чизмаларини энди росмана суратга айлантириш билан банд. Ҳадемай бу асарлар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

РЎЗИ Чориев — фаол ижодий позициядаги рассом. У кўп ишлайди, кўп саёҳатга чиқади. Швеция ва Италия, Кипр ва Марокаш, Болгария ва Афғонистонда бўлди. Хуллас, жаҳоннинг йигирмадан зиёд мамлакатига сафар қилди.

— Ушбу ажойиб-ғаройиб мамлакатга қилган сафарим менда жуда катта таассурот қолдирди — деб ҳикоя қилади рассом. — Бизни самимий кутиб олишди. Дарвоқе, вьетнамликлар оқ кўнгил, меҳрибон ва меҳмондўст кишилардир. Улар бизларга жуда кўп нарсаларни кўрсатдилар, тарихий ёдгорликлар, маданият марказлари билан таништирдилар.

Вьетнам — сир-асрорга тўла мамлакат. Бу мамлакатни ҳеч қачон билиб ололмайсан ва унинг сирларидан воқиф бўлолмайсан, деган ҳиссиётга кишини тарк этмайди. Табиатнинг ўзига хослиги менга катта таъсир қилди. Сафаримиз қиш фаслига тўғри келганлиги учун ранглар унчалик хилма-хил эмасди. Аммо ҳаммаёқ кўм-кўк. Бу мамлакатда ўтказилган икки ҳафта қандай ўтганини сезмай қолдим.

Аждарлар кўрфази ҳамон кўз ўнгимда. Уч мингдан зиёд оролчалар сув ичидан худди аждар калласига ўхшаб чиқиб турибди. Биз теплоходда суздик, шунда кўз олдимиздан афсонавий манзаралар кетма-кет ўта бошлади. Мен бундай манзарани ҳатто Арктикада ҳам кўрмаганман. Биргина мана шу кўрфазни томоша қилмоқ учун ҳам Вьетнамга бориш керак!

Биз рассомлар ҳузурида меҳмонда бўлдик. Уларни бой яшайдилар, деб бўлмайди. Чунки фақат ижоднинг ўзи билан шуғулланолмайдилар. Шу боис, вьетнамлик ҳар бир рассом ўзининг кичкина дўконига эга. Улар бу ерда ўз асарларини сотадилар ёки кичикроқ хўжаликни бошқарадилар.

Мен Вьетнамга шахсий кўргазмамни олиб бордим. У Ханой ва Хошиминда намойиш қилинди. Заллар ҳамиша томошабинлар билан гавжум бўлди. Мен асларларимни Вьетнамда намойиш қилинган биринчи ўзбек рассоми бўлганимдан бахтиёрман.

Тез орада мен ўз устахонамда дўст мамлакат рассомларидан бирини қабул қиламан. Бунга юқорида тилга олинган сафар туртки берди. Биринчи марта биз Вьетнам ва Ўзбекистон Рассомлари союзлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш учун шартнома имзоладик. Эндиликда бизнинг алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб боради. Ҳар йили ҳар икки томондан учтадан рассом бир-бирига меҳмонга боради, кўргазмаларни айирбошлаш мунтазам йўлга қўйилади.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ рассоми Рўзи Чориев ўз устахонасида.

Р. Шагаев тексти ва фотоси (ЎзТАГ).

• Янги ижодий режалар
• Дўст мамлакатдан олинган таассуротлар полотноларга кўчади
• Кинематографиямизнинг долзарб вазифалари

• **Кино**

Кинематографиямизнинг бугунги кунн воқеаларга бой. Фильмлар ва уларни ишлаб чиқариш, томошабинга тақдим этиш жараёни билан боғлиқ бўлган муаммолар, ижодий кучлардан унумли, ўз ўрнида фойдаланиш масалалари, ҳаётий материалга ёндашиш ҳамда уни ёритиш принципларини аниқлаш шу куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолди.

ФИКР ЁРҚИН БЎЛСА...

Кинони қайта қуриш фақат ташкилий ишларни амалга ошириш билангина эмас, бир қатор мураккаб ижодий, назарий проблемалар юзасидан қайта фикр юритишни талаб этмоқда. Бу табиий бир ҳол: кино соҳасидаги қайта қуриш техникани такомиллаштириш, ижодий кучларни тўғри тақсимлаш ва уларнинг меҳнати самарали бўлишини таъминлаш каби кўпдан-кўп масалаларни ҳал этишни кўзда тутади. Лекин биринчи галда ўтмиш ҳамда бугунги кун воқеалари устида чуқур, атрофлича мулоҳаза қилиб кўриш, уларни сценарийда, фильмда пардозламай, зиддиятларни силлиқламай, безакларга «ўрамай» тасвирлаш йўлларини излаш талаб этилади.

Хўш, кейинги даврда, хусусан, ўтган йили яратилган бадиий фильмларда бунга қандай амал қилинди? Умуман, кино ижодкорларимизнинг изланишлари қандай? Конкрет мисоллар билан фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

«Виждон азоби» фильми ёш ижодкорлар Ю. Розиқов ва С. Бобоевнинг илк мустақил асари. Унда Аброр (артист Б. Ҳамроев) исмли йигитнинг палов тайёрлаш қобилияти, катта мансабдаги кишиларнинг кўнглини шу йўл билан олиши, мунофиққа айланиши, ёшлик ғурури, ширин орзу-умидларини Усмоновнинг (артист Б. Йўлдошев) найранглари туфайли унутиши —ана шу оддийгина психологик жараённи кўрсатиш учун ўйирик бадиий фильмнинг метражи сарфланган.

Сценарийнавис ўз замондошининг ҳаётга кириб келиши билан боғлиқ бўлган проблемаларни бадиий тадқиқ қилишга уринади. Бу интилишида драматургия қонун-қоидаларини билишини намойиш этади: бош қаҳрамон характери тўғри ҳолда берилмайди, образлар тавсифида фақат оқ ва қора ранглардан эмас, турли бўёқлардан фойдаланиб ҳаёт зиддиятларини тасвирлашга интилади. Ошпазлик билан мансабдор кишилар кўнглини овлашга берилиб кетган Аброрнинг севикли ёрига мунофиқларча муносабатда бўлиши таъкидланади. Меҳнатни унутиб қўйган йигит севгисадоқат ҳақида сўзламайди, орзу қанотида парвоз қилмайди, турмуш ишқир-чиқирларига ўралашиб қолиб, ёғлиқ палов, мўмай пул, шубҳа уйғотадиган шахслар ҳақидаги ўйлари билан банд бўлади. Ёш драматург ҳаётда ўрнини топмаган, қалтис йўл танлаган, натижада қора ниятли кишиларнинг изига тушиб қолиб, шахсий ҳаётида ҳам беқарорлик, пассивлик қилиб тушкунликка учраган қаҳрамоннинг мураккаб ҳолатини тасвирлашга интилади. Лекин тадқиқ қилиш объектининг, қаҳрамон ички дунёсининг ниқоятда торлиги муаллиф ва режиссёр ғоявий теранликка, юксак бадиийликка эришишига тўсқинлик қилган.

Яна икки бадиий асар — «Клиника» (режиссёр Рашид Маликов) ҳамда «Яна бир карра» (режиссёр Равиль Ботиров) ҳам давр проблемаларига бағишланган. Уларнинг бирида шифокорларнинг фаолиятида учраётган драматик, ҳаттоки фожиали воқеалар ҳақида, самимийлик ва мунофиқлик, олийжаноблик, дўстлик ва хиёнат ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилинса, иккинчисида янги машиналарни ихтиро қилаётган инженерларнинг машаққатли изланиши самараларига бефарқ қараётганларнинг психологияси очила боради.

Сценарийнавис ва режиссёр Р. Маликовнинг ижодий интилиши, самимияти, ўз қаҳрамонига бўлган меҳри «Клиника» фильмининг кўпгина эпизодларида сезилади: Олим Собировичнинг армия хизматидан бош тортган йигитга бўлган муносабатида, студент Маҳкамов билан машғулот ўтказишида, шифокорликка лаёқати бўлмаган, лекин таниш-билиш орқали кандидатлик диссертациясини осонгина ҳимоя қилиб олишга ошиққан мунофиқ шахс (артист О. Бакирова) билан баҳслашишида инсонийлик фазилатларини, маданиятини, иродаси ва ақл-заковатини намойиш этади. Шу билан бирга иккинчи пландаги персонажлар мўносабатларида фикрлар кураши сезилмайди.

Кинодраматург Александр Гороховнинг сценарийсини экранлаштирган режиссёр Р. Ботиров кучли иродали, юксак маданиятли, билимдон инженер Мурод Исмоиловичнинг мураккаб психологик вазиятлардаги ҳолатини ёрқин бўёқларда кўрсатишга интилади. Актёр Мурод Ражабов ҳам ўз фаолиятида Ботиров режиссурасининг хусусиятларини ҳисобга олган. Режиссёр ва актёр ҳар бир кадрда ўз қаҳрамонлари билан фикрдош эканликларини, унинг тақдири ҳақида қайғуришларини синчков томошабин сезиб туради. Режиссёрнинг ана шундай фикри, самимияти туфайли сценарийдаги образ, ғоя бойиган, бадиий талқинда бирёқламаликка йўл қўйилмаган. Шу боисдан барчага аён турғунлик йилларининг драматик воқеалари қайта-рилишига ҳеч йўл қўймаслик лозимлиги ҳақидаги фикр ҳар бир кадр орқали томошабинга етиб боради. Янги шароитда ишчи, инженер, деҳқон ташаббуси, имконияти, меҳнати, кашфиётларидан фойдаланишга тўсқинлик қилаётганларга қарши кураш зарурлигини режиссёр қайд қилиб боради. Лекин шуни ҳам айтиш зарурки, бадиий жиҳатдан анчагина пухта ёзилган «Яна бир карра» сценарийсидаги қаҳрамонларнинг исмларини ўзгартириб, воқеаларни ҳоҳлаган шаҳарга (иттифоқимиз миқёсида, албатта) кўчириш мумкин. Воҳолонки, танқиддан ҳоли бўлган районлардан бири —республикамизда ўша негатив жараёнда содир бўлган драматик воқеалар ўзига хос бадиий шаклда ифода этилиши зарур эди.

Шу куннинг интернационал мазмунини очиш учун миллий шакллардан фойдаланиш йўлларини тинмай излаш муҳим қасала бўлиб қолди. Тарихга, ҳаттоки яқин ўтмишга бағишланган лентаналарда миллий характер яратиш, ўлкамиз учун хос воқеаларнинг туб моҳиятини очиб беришга кўмаклашадиган эстетик шакларни излаш, қўллаш борасида ютуқларга эришилмоқда. Масалан, 30-40-йиллар воқеаларига бағишланган «Армон» сценарийси ҳамда фильмини олайлик.

Драматурглар Р. Муҳаммаджонов ва В. Соколов воқеаларни кенг қамраб олишга, кўпнинг образлар талқинида давр хусусиятлари, зиддиятлари, драматизмни очишга қарор қилганлар. Шу боисдан улар оддий деҳқон (артист Ё. Саъдиев) ҳавас билан қаровчи (балки ишқ ўтида ёнувчи) бой хонадон бекаси, зодагонларнинг сўнгги вакили (арт. О. Бакирова) образи, севишганлар (Б. Зокиров ва Р. Зокирова) ўртасидаги самимият, шунингдек, бошқа образларнинг туб моҳияти томошабинга қизиқарли эпизодларда етиб боришига алоҳида аҳамият берганлар. Ер-сув, дон ва меҳнатга бўлган муносабатда турли шахсларнинг қайси табақага мансуб эканлиги очила боради.

Муаллифлар воқеаларга атрофлича тавсиф беришга интиладилар. Фабула мураккаблашиб, персонажлар сони ортиб боради. Тадқиқ қилинаётган давр ўн йиллик-лар билан ўлчанади. Лекин у йирик эпик асар сифатида таҳлил қилинадиган бўлса, айрим талабларга жавоб бермайди. Жумладан, баъзи сюжет йўлларининг ривожи, ечими барча тафсилотлари билан томошабинга ҳавола этилмагани, айрим образларга тавсиф беришда йўл қўйилган бирёқламалик кўзга ташланади. Воҳолонки, катта эпик шаклдаги асарнинг ҳажми, бадиий таркиби воқеалар ривожини батафсил тасвирлашга, қаҳрамонлар характерининг турли қирраларини очишга имкон беради. Бундай нуқсонлар объектив сабабларга кўра ҳам пайдо бўлган: бир серияли фильм метражи асарнинг воқеалар оқимини параллел сюжетларнинг мураккаблигини, образларнинг миқдори ва ранг-баранглигини сақлаб қолишга имкон бермайди. Субъектив сабаб шундаки, муаллифлар, режиссёр асарнинг экрандаги шаклини аниқ тасаввур этиб, композицияни ихчамлаштириб, образларни яхлитлаштириб, асосий драматургик урғуни ўзлари танлаган бир-икки марказий персонажга, асосий проблемаларга бермаганлар. Воқеаларнинг кўплиги, мурожаат этилган даврнинг катталиги, бир-икки чизги билан берилган образларнинг мўллиги эса диққатни марказий эпизодларга, бош қаҳрамонга қаратишга баъзан тўсқинлик қилади.

Бир йилнинг тўрт фильмига тегишли бўлган мулоҳазамизнинг ниҳоясида қуйидагиларни қайд қилмоқчимиз: замон талабларига жавоб берадиган фильмлар яратиш учун ҳаётий материалдан келиб чиқиб, аввало, бақувват сценарийлар ёзиш керак. Уларни экранлаштириш жараёнида миллий характерлар, шакллар яратиш зарурлигини кўпроқ ҳисобга олмоқ даркор. Кинодраматург ва режиссёр бадиий ижоднинг муҳим масалалари бўлмиш қаҳрамон, мавзу ва эстетик шакл масалаларига алоҳида аҳамият бериш зарур, шартлигини унутмаса, ҳеч қачон ютқазмайди. Миллий кинематографиямиз учун эса бундай ижодий зафарлар кўплаб керак.

Ҳ. АКБАРОВ,
киношунос.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти қўйидаги китобларни ўзбек тилида чоп этди:

Шотурсун Шомақсудов, Шуҳрат Шораҳмедов. Нега шундай деймиз. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. 352 бет. Баҳоси 1 сўм 40 тийин.

Китобдан жой олган халқ мақоллари, маталлари ва иборалари ўн йиллар мобайнида тўпланиб, классификация қилинган ва текстологик жиҳатдан ўрганиб чиқилган. Халқ мақол ва маталлари ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий тарбиявий аҳамиятга моликдир.

Зайниддин Дўстматов. Сутбулоқ оқшомлари. Қиссалар. 224 бет. Баҳоси 80 тийин.

Муаллиф Тожикистон ССРда яшаб, ижод қилаётган ўзбек ёзувчиси. Унинг қиссалари ва ҳикоялари ўзбек китобхонларига яхши таниш. Бу китобдан ёзувчининг «Сутбулоқ оқшомлари» ҳамда янги ёзилган «Сариқ яп-роқлар» қиссаси ўрин олган.

Мақсуда Эргашева. Эзгу сўз. Шеърлар. 44 бет. Баҳоси 20 тийин.

Шеърларда ҳаёт ҳақиқати эзгу ҳислар билан, самимият билан куйланади. Замондошимизнинг руҳияти, ўй-кечинмалари табиат манзараларига боғлиқ равишда тасвир этилади.

Юсуф Жумаев. Хаёлот манзаралари. Шеърлар 56 бет. Баҳоси 20 тийин.

Шоирнинг халқ оғзаки ижодига яқин, тили содда, шиддатли, ҳис-ҳаяжонга йўғрилган шеърлари шеърият ихлосмандларига маълум ва манзур. Китобга унинг ана шундай ҳиссиётли, куйинчаклик билан ёзилган шеърлари жамланган.

• *Спорт*

ҚИШКИ ОЛИМПИАДА:

БАҲСЛАР ВА СОВРИНЛАР

Канаданинг Калгари шаҳрида қишки Олимпиада мусобақалари қизғин давом этмоқда. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан тўпланган моҳир спортчилар марра йўлида астойдил ҳаракат қилиб, совринли ўринлардан бирини эгаллашга уринмоқдалар. Зеро мусобақа ташкилотчилари кутилмаганда бошланаётган қор-бўронларга «чап» бериб, мусобақа иштирокчиларига қулай шароитлар яратишга ҳаракат қилишмоқда. Бу ерга 12 мамлакатдан ҳайкалтарошлар келишган. Улар қордан ҳайкаллар ясаш бўйича биринчи марта ўтказиладиган Олимпиада халқаро фестивалида иштирок этадилар.

Олимпиада баҳслари ҳамиша кескин ва муросасиз бўлади. Дэн Женсен (АҚШ) конькида югуриш бўйича бир ҳафта илгари жаҳон чемпиони бўлиб, муҳлисларни қувонтирган эди. Афсуски, Олимпиада баҳсларида унинг омади келмади. 500 метрга югуришда йиқилиб, ўйиндан чиқишга мажбур бўлди. ГДР конькичиси У. Май 36,45 секундли натижа билан жаҳон рекорди ўрнатиб, Олимпиаданинг катта олтин медалини қўлга киритди. Голландиялик Я. Йикема билан японияли К. Куроива иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Совет спортчиси С. Фокичев ғолиблардан дақиқалар ҳисобига ортда қолиб, маррада тўртинчи бўлди.

Чанғида пойга мусобақалари ҳам муҳлисларда яхши таассурот қолдирди. 10 километрга ўтказилган мусобақада мамлакатимиз спортчилари маҳорат кўрсатишди. Чунончи, Вида Венцене 30 минут 8,3 секундли натижа билан ғалаба қозониб, муҳлислар олқишига сазовор бўлди. Таниқли чанғичимиз Раиса Сметанина бу сафар Олимпиаданинг кумуш медалини қўлга киритди. Финляндиялик Марьо Матикайнен маррада учинчи бўлди. Эркакларнинг 30 километрга чанғи учишида ҳам спортчиларимиз юксак натижа кўрсатишди. А. Прокуроров билан В. Смирнов ғолиблик супасининг биринчи ва иккинчи поғоналарини эгаллаб, Олимпиада совриндорлари бўлишди. Норвегиялик В. Ульвангу учинчи ўринни олди.

Хоккейчиларнинг ҳар бир учрашуви ғолиблик йўлидаги муҳим босқичга айланмоқда. СССР терма командаси бугунгача икки учрашувда ғалаба қозониб, саралаш ўйинларини муваффақиятли бошлади. Вакилларимиз Австрия хоккейчиларини 8:1, Норвегия командасини 5:0 ҳисобида енгишди. ЧССР командаси ГФР хоккейчиларига имкониятни (1:2) бой бериб, АҚШ командасидан устун(7:5) келишди. Шунингдек, АҚШ, Швеция, Канада командаларида ҳам биттадан ғалаба бор. Мусобақалар давом этмоқда.

ШАҲМАТ:

Йирик ҳисоб

Франциянинг Канн шаҳрида ўзига хос мусобақа ўтказилди. Беш қитъанинг ўн мамлакати ва ўн шаҳарининг халқаро гроссмейстери ва чемпионлари қатнашган бу мусобақада жаҳон чемпиони Г. Каспаров ғалаба қўлга киритди. У саккиз ғалабага эришиб, инглиз М. Адамсга ютқазди ва ўсмирлар ўртасида СССР чемпиони М. Улибин билан ўйинни дуранг қилди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

Яна бир медаль

Волгоградда ўтказилаётган СССР чемпионатида республикамизнинг яна бир вакили совринли ўринни эгаллади. В. Черников уч ҳатлаб сакрашда 17 метр 5 сантиметрли маррани эгаллаб, фахрли учинчи ўринни олди. Бунгача сакровчи В. Ишутин, югурувчи М. Шмониналар совриндор бўлишган эди.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
18, 26 февраль кунлари соат 19.00 да

«ИСТАМБУЛ ФОЖИАСИ»

СПЕКТАКЛИНИНГ ПРЕМЬЕРАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.
ЭРКИН ВОҲИДОВ асари.
Асосий ролларда: Зикир МУҲАММАДЖОНОВ, Толиб КАРИМОВ, Икрома БОЛТАЕВА, Йўра АБДУЛЛАЕВА, Ёқуб АҲМЕДОВ, Саидкомил УМАРОВ.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги
ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
1988 йил учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича
АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда: тўқимачилик саноати машиналари ва агрегатлари, химиявий толалар технологияси, химиявий технология жараёнлари ва аппаратлари, тўқимачилик хом ашёси (пахта, ипак, луб)ни дастлабки қайта ишлаш, тўқимачилик материаллари технологияси (йигириш, тўқиш), экономика, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни ташкил қилиш;
ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда: тўқимачилик саноати машиналари ва агрегатлари, химиявий толалар технологияси, химиявий технология жараёнлари ва аппаратлари, материалшунослик (тўқимачилик), тўқимачилик хом ашёси (пахта, ипак, луб)га дастлабки ишлов бериш, тўқимачилик материаллари технологияси (йигириш, тўқиш), экономика, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни ташкил қилиш).
Аспирантурага қабул икки муддатда май, октябрь ойларида ўтказилади.
Ҳужжатлар 1 октябрга қадар қабул қилинади.
Мурожаат учун адрес: 700100, Тошкент шаҳри, ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй, аспирантура бўлими. Телефон 53-61-05.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
6-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8-10-синфни битирган ва қизларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МИНОРАЛИ КРАН МАШИНИСТИ, ЭКСКАВАТОР МАШИНИСТИ, БУЛЬДОЗЕР МАШИНИСТИ. **Ўқиш муддати — 6 ой.**
Дурадгор-қурувчи, сувоқчи-бўёқчи, надувка накат йўллари билан гул солувчи бўёқчи, электр пайвандчи. Ўқиш муддати 3 йил.
6 ойлик курсларга 18 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. 1-3 йиллик ўқишга 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. 6 ойлик курсларда таълим олаётганларга 75 сўм стипендия, 1 йиллик курсларда ўқийдиганларга эса 30 сўм миқдорида стипендия берилади. 1-3 йиллик курсларда ўқийдиган ўқувчилар 2 марта бепул овқат ва кундалик кийиладиган кийим-бош билан таъминланади.
Билим юртини битирганларга касби бўйича диплом ва ўрта мактабни тугатганлиги ҳақида аттестат берилади.
Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим: директор номига ариза; туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, яшаш жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона 3х4 см ҳамдаги фотосурат, таржимаи ҳол, характеристика.
Адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 69-уй (1, 4, 101 э, 65, 17э-автобусларнинг «М. Горький» метро станцияси», 17, 18-троллейбуслар, 6, 13, 22-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекатлари).

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети «Агропромреметроймонтажналадка» бирлашмасининг
ТОШКЕНТДАГИ МАХСУС МОНТАЖ-СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИ
ОДАЗ ярим прицепли янги КАЗ-608 «Колхида» автомашиналарини
ГАЗ-52, 53, ЗИЛ-130 (бортли), **УАЗ-33031,. бензовоз** (ГАЗ ёки ЗИЛ базасида), **«ИЖ-2715 «Москвич» маркаларидаги янги машиналарга**
АЛМАШТИРАДИ.
Бошқа вариантлари ҳам бўлиши мумкин.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 35-уй. Телефонлар 91-47-44, 91-44-46, 91-47-41.

РСФСР Тўқимачилик саноати министрлиги
ИВАНОВО ОБЛАСТИДАГИ ПУЧЕЖ ЗИҒИРПОЯ ТОЛАСИ КОМБИНАТИ
1988 йилда
пул ўтказиш йўли билан бортбоп газлама (артикул 10152, 1 метри 1 сўм 60 тийин);
ярим зиғирпоя толали газлама (артикул 07228, 1 метри 1 сўм 50 тийин). Эни 90 сантиметрли бу газламадан қўлқоп ва қоп ҳам тикиш мумкин.
мебелбоп пахта (қурилишда ишлатиладиган каноп лоси — 1 тоннаси 450 сўм).
СОТАДИ
Справкалар учун адрес: Иваново области, Пучеж шаҳри. Телефон 2-93-23.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/II да **Бахтли гадолар**, 18/II да **Истамбул фожиаси.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Иллюзионист-фокусчи А. АКОПЯН иштирокида совет цирки усталарининг 2 бўлимдан иборат КАТТА ПРОГРАММАСИ** (17, 18, 19/Пда 19.30 да)

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги республика раҳбар ходимлари малакасини ошириш институти коллективи институт директори, профессор М. Л. Турсунхўжаевга онаси

Муҳаррам ТУРСУНХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти коллективи бўлим мудири, юридик фанлар доктори М. М. Файзиевга онаси

Қимматой ФАЙЗИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Далил». Бадиий фильм. 10.35 — Янгиликлар. 10.45 — — Фидойи шахслар. 15.15 — Янгиликлар. 15.30 — Қайта қуриш прожектори. 15.40 — Ҳужжатли фильм. 16.05 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 16.35 — Тарих саҳифалари. 17.05 — Ер юзидаги болалар нималар ҳақида қуйлашади. 17.40 — Дўстлик ниҳоли. 18.10 — Фидойи шахслар. 18.55 — Позиция. 20.10 — Дунё воқеалари. 20.30 — XV қишки олимпиада ўйинлари. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Скрипкада Г. Мурзабекова чалади. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.00 — XV қишки олимпиада ўйинлари.

МТ-II. 17.00 — XV қишки олимпиада ўйинлари. 18.40 — Янгиликлар. 18.45 — Штрауслар оиласи музикаси. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — „16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Кўзда ҳам кўқлам бўлади». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 00.20 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.00 — «Ассалому алайкум». 16.45 — Телефильмлар. 17.25 — Физика. 18.00 — Мультфильмлар. 18.30 — Оҳангларда қалб ҳарорати. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оҳангларда қалб ҳарорати (давоми). 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёшлигим менинг. 21.20 — Долзарб вазифа. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ҳужжатли фильм 22.25 — Пахта ҳақида ўйлар. 22.55 — «Сенинг тақдиринг учун». Бадиий фильм.

• *Тингланг, томоша қилинг*

17 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

УзТВ-II. 19.30 — Рассом ва китоб. 20.05 — Реклама. 20.15 — «Жиноят». Бадиий фильм. 1-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. **Фрунзе.** 22.15 — «Сергей Иванович пенсияга чиқяпти». Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 8.30 — Визга мактуб йўллабсиз. 9.30 — Микрофон олдида «Лазги» ансамбли солистлари. 9.45 — Партиявий иш: шакл ва услубнинг янгиланиши. 10.15 — Хўжалик ҳисобини ўрганамиз. 10.40 — Қармоқ. 11.15 — Юность. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 12.30 — Шу куннинг қўшиқлари. 12.50 — Шеъриий лаҳзалар. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Е. Доға қўшиқлари. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.30 — Ёзувчилар — болаларга. 15.50 — М. И. Ульянова туғилган куннинг110 йиллигига. 16.00 — Қизил, Сариқ, Яшил! 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30 — Ёш созандалар республика V конкурси ғолиблари — студиямиз меҳмони. 19.20 — Аланга. 19.40 — Социал соҳа қурилишлари Бутуниттифоқ радиоси назоратида. 20.15 — Талабларга биноан концерт. 21.10 — Она-табиатни эъзозлайлик. 21.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.45 — XV қишки олимпиада ўйинларида. 22.55 — Қишлоқ ва унинг муаммолари. 23.45 — Катталарга болалар ҳақида.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 08543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. — 40. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12